

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 89 (091)
Ж – 98

Жўраев Хусан Алишерович

**Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари
манбашунослик таҳлили**

5А 220401 – Исломшунослик

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц.
Д.Раҳимжонов
Тақризчи: т.ф.н., в.б.
А.Абдуллаев
Тақризчи: т.ф.н.
М.Комилов

Тошкент – 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. XIV-XV АСРЛАРДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА МОВАРОУННАХР ФИҚҲ ИЛМИ РИВОЖИДА МУҲАММАД КАРДАРИЙНИНГ ЎРНИ	
I.1. XIV-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий вазият.....	10
I.2. Мовароуннахр фикҳ илми ривожида Муҳаммад Кардарийнинг ўрни	21
II БОБ. “АЛ-ФАТОВО АЛ-БАЗЗОЗИЯ” АСАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА УНДА КЎТАРИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР	
II.1. “ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг таркибий тузилиши	41
II.2. Асарда кўтарилган долзарб масалалар.....	47
Хулоса	62
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	67
Илова	76

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгач, аждодларимиз қолдирган бой илмий мерос устида холисона тадқиқотлар олиб бориб, уларни ўрганиш ва шундайлигича халққа етказиш имконияти туғилди. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган каттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди”¹

Бугунги кундага мавжуд имконият ўтмиш маданий бойликларига янгича ёндашишни ва қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Янгича фикрлаш эса, маданий меросга холисона муносабатда бўлишни, ижтимоий ва фалсафий фикр тарихида мавжуд бўлган “қора доғларни” бартараф қилишни талаб қилади. Ҳозирга келиб ушбу соҳада кўплаб илмий ишлар амалга оширилди. Алломаларимизнинг бизгача етиб келган бир қанча асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, илмий истифодага киритилди.

Диний экстремистик оқимлар ва фундаменталистлар ислом динининг мазмун-моҳиятини ва олий инсоний меъёрларини бузиб талқин қилиб, ундан ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринганликларини диққат билан кузатадиган бўлсак, ҳозирги даврда ислом дини таълимотининг асл моҳиятини ёритиб бориб, унинг тинчликсеварлик ва инсонпарварлик мақсадларга йўналтирилган ғояларини халққа тўғри етказиш, бизнинг Ватан олдидаги олий бурчимиз эканини тушуниб етамиз.

Тарих бағрикенглик ва мурасасизлик ҳолатлари жамият тараққиётининг барча босқичларида намоён бўлганидан далолат беради. Жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устивор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-

¹ Каримов И.А. Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди // Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 524.

иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек кадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади.

Мовароуннаҳр худудига ислом қонунчилиги ислом дини билан биргаликда кириб келиб, IX-X асрлардан бу худудда ягона ҳуқуқий тизим кўринишини олди. Мустақил Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва Амир Тимур давлатларининг бошқарувида ислом қонунчилиги асос бўлиб хизмат қилди ва Арабистон ярим оролидаги ислом қонунчилигидан кўп жиҳатлари билан фарқланди. Худди шу даврга келиб, диний ва дунёвий илмлар Мовароуннаҳр худудида гуллаб яшнади. Салоҳиятли шарқшунос олимлар томонидан “Шарқ уйғониш даври” деб аталган бу даврда ҳадис, тафсир ва калом илмлари билан бир қаторда фикҳ илми ҳам чуқур ўрганилди ва кўпгина фикҳий асарлар яратилди.

IX асрнинг бошидаёқ Мовароуннаҳр худудида асосий мазҳабга айланган ҳанафий мазҳаби XIV-XV асрларда ҳам ўз тараққиётида давом этди, шу сабабли ҳам бу даврда деярли барча фикҳий асарлар ҳанафий мазҳаби асосида ёзилганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўз илмий асарлари ва ижодий фаолиятлари билан шарқ ва жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган мовароуннаҳрлик Фарғоний, Хоразмий, Бухорий, Форобий, Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масихий, Ибн Ироқ, Сарахсий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳонуддин Марғиноний, Насафий, Паздавий, Ибнул Баззозий ва Дабусий каби алломалар ўз даврининг порлоқ юлдузлари ҳисобланиб², уларнинг илмий ижодиёт намуналари ҳозирга қадар олимлар томонидан ўрганилиб келмоқда.

Бу даврда фикҳ илмига доир асарлар ҳам яратилган бўлиб, Муҳаммад Кардарийнинг “Ал-Фатово ал-Баззозия” асари шулар жумласидандир.

²Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислам ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё факихлари (Бундан кейин: Жўзжоний А. Ислам ҳуқуқшунослиги). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002. – Б. 15.

Бу асар ўз даврида кўпчилик фақиҳлар томонидан дастурий қўлланма сифатида баҳоланган долзарб асар ҳисобланган. Бугунги кунда бу асарни ўрганиб илмий тадқиқот қилишнинг долзарблиги шундаки, ҳозирда нафақат шариат манбалари асосида бошқариладиган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, балки дунёдаги барча мусулмонларнинг ҳаётида жуда тез суръатли ривожланиш жараёни бормоқда. Табиийки, мусулмонлар бу ривожланиш жараёнида турли хил муаммоли масалаларга дуч келадилар. Бу масалалар аввало асл манбалар асосида ечилади. Ҳар бир мусулмон киши Қуръон ва ҳадисдаги ҳукми ҳеч иккиланмай қабул қилади. Лекин, Қуръон ва ҳадисда келмаган масалалар ва уларнинг ҳукмлари қандай олиниши, кўшимча шаръий манбалар хусусида ихтилофли жиҳатлар кўп. Фикҳга оид манбалар устида ишлаш ва уларнинг муҳим томонларини очиб бериш, мана шу ихтилофли жиҳатларни ойдинлаштиради.

Бугунги кунда кардарлик олимларнинг қаламига тегишли манбаларни тадқиқ этиш бошқа тадқиқотларга нисбатан камчиликни ташкил этади. Аслида, бундай тадқиқотлар кўп бўлиши ва тадқиқот натижалари ҳаётга жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир. Мана шу жиҳатдан ҳам ушбу мавзунинг долзарблигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент ислом университетининг очилиш маросимида айтган сўзлари ҳам шундан далолат беради: “Бинобарин ёш олимларимиз бу очилмаган кўриққа кириб бориб, халқимиздан чиққан йирик олим ва мутафаккирларимиз, ҳатто Ўрта аср замони давомида ҳам илму фаннинг юксак чўққиларини забт этганликларини дунё аҳлига кўрсатишлари керак”³.

Мовароуннаҳр тарихи, хусуан, темурийлар тарихини ўрганишда, тарихдан бугунги кунгача долзарб бўлиб келаётган исломда инсон қалби масалалари, ақидавий масалалар ва бағрикенглик каби қатор долзарб

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида. Маҳалла, 1999. – 10- 16 апрел.

масалаларга оид қимматли маълумотларни ўзида жамъ этганлиги билан “ал-Фатово ал-Баззозия” асарини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. “Ал-Фатово ал-Баззозия” асари муаллифининг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида маълумот берувчи тадқиқотлар кам бўлиб, маълумотларни асосан юртимизда ва жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланаётган асарнинг тошбосма ва қўлёзма нусхаларидан олиш мумкин⁴. Тадқиқотлар илмий мавзунини тўлиқ қамраб олмаган бўлса-да, баъзи жиҳатларини ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қилинган ишлардан бири тарих фанлари доктори Ш.Жузжонийнинг “Ислом ҳуқуқи асослари” номли китобида келтирилган⁵. Бунда Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва олимнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари ҳақида қисқа маълумот ёзилган ва олимнинг “ал-Манақиб ал-Кардарий” асари ҳақида керакли маълумотлар берилган.

Шунингдек, Араб олимларидани Хайруддин аз-Зириклий ўзининг “ал-Аълам”⁶ асарида, Абдулхай ал-Лакнавий “ал-Фавоид ал-Баҳийя”⁷ асарида Муҳаммад Кардарий ҳаёти ҳақида тўхталиб, иккала олим ҳам Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёт-фаолияти ҳақида қисқа маълумот берганлар.

Татаристон тадқиқотчилари Муҳаммад Кардарийнинг ҳаётини ёритишда араб олимлари, хусусан, Хайруддин аз-Зириклийнинг “ал-Аълам” асарида кенг фойдаланганликларини кузатиш мумкин⁸.

Европалик тадқиқотчилар Муҳаммад Кардарийнинг вафот этган йили ва “ал-Фатово ал-Баззозия” номи билан машҳур бўлган “ал-Важиз” асари муаллифи эканлиги ҳақида ёзаганлар⁹.

⁴ ТИУ Манбалар хазиинаси. Тошбосма нусхалар: № 112, 119, 157; Искандария кутубхонаси, қўлёзмалар бўлими Б428/1608; Яман қўлёзмалар кутубхонаси. № 1368; Кувайт қўлёзмалар кутубхонаси. № 2885; Рим кутубхонаси. Қўлёзмалар бўлими. MSS 2313.

⁵ Уватов У. Касбилик Фахр ал-ислом ал - Паздавий. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2002. – 6 - декабр сони.

⁶ Қаранг: Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. (Бундан кейин: ал-Аълом). – Ж.4. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин. 1998. - Б.28.

⁷ Қаранг: Абдулхай ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-Баҳийя (Бундан кейин: Лакнавий. Ал-Фавоид ал-Баҳийя). – Байрут: Дор ал-Аркам ибн Али ал-Аркам. 1998. - Б.291.

⁸ Қаранг: Юзеева А.Н. Очерки Марджани о восточных народах (Бундан кейин: Юзеева А.Н. Очерки Марджани). – Казань: Татарское книжное издательство. 2003. – Стр. 46; Юзеева А.Н. Вафийат ал-аслаф ва тахият ал-ахлаф / подробное о предшественниках и приветствие потомкам / (Бундан кейин: Юзеева А.Н. Вафийат ал-аслаф) – Казань: Иман. 1999. – Стр. 35.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар Марказий Осиё минтақасига ислом динининг кириб келиш тарихи, фикҳнинг ривожланиш босқичлари, фақиҳлар ҳаёти ва илмий фаолиятларига доир илмий изланишлар тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган.

Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари. Илмий ишни тайёрлашда олдинга қўйилган мақсад ўрганилган маълумотлар орқали XIV-XV асрларда Мовароуннахр ҳудудида яшаб ижод этган ҳанафий фақиҳлардан бири Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёти-фаолиятини ёритиб, олимнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг манбашунослик таҳлилини қилишдир. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

- Олим яшаган даврда мавжуд бўлган темурийлар салтанатидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ўрганиш;
- Муҳаммад Кардарий ҳаёти ва фаолияти ҳақида манбалар асосида зарурий маълумотларни аниқлаш;
- Муҳаммад Кардарий қаламига мансуб бўлган “ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг таркибий тузилишини тадқиқ этиш;
- Асарда келтирилган долзарб масалаларни ўрганиш;
- Асарда келтирилган маълумотлар асосида темурийлар даври тарихини ўрганиш;
- Юртимизда ва жаҳондаги турли кутубхоналарда сақланаётган “ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари билан танишиш ва тадқиқ этиш.

Илмий ишнинг услубий асослари. Илмий иш мавзусини ёритишда ислом ҳуқуқшунослиги ва манбаларини тадқиқ қилиш борасида эришилган энг сўнгги ютуқ, хулоса ва услубларга таянилди.

Асарнинг қўлёзма нусхалари қадимийлик нуқтаи назаридан тарихий танлов усулида ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларида билдирилган асрлар оша халқимизнинг миллий

⁹ Қаранг: http://www.library.yale.edu/neareast/exhibitions/Islamic_book2.html;
<http://www.idc.nl/faid/441faidb.html>;
www.books.google.com-Nicolas-Aghnides-Islamic-theories-of-finance-with-an-introduction-to-Islamic-law-P-185-scholarspen.blogspot.com/2005/11/books-on-excellence-of-imam-abu.html.

кадриятига айланган ислом дини ва унинг моддий-маънавий меросига ҳурмат билан ёндашиш ҳақидаги фикр ва кўрсатмаларига амал қилинди. Ноҳолис ёндошув, салбий баҳо бериш услубларидан четланилди. Зеро, холислик ҳар доим тадқиқотлар самарадорлигини ошириб келган.

Илмий ишнинг манбалари. Ушбу магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертацияни ёзишда асосий манба бўлмиш “ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг юртимизда ва жаҳондаги турли кутубхоналарда сақланаётган тошбосма, кўлёзма нусхаларидан ҳамда замонавий нашр шаклидан кенг фойдаланилди.

Интернетда чоп этилган хорижлик олимларнинг мақолаларида мавзуга оид қисмларидан фойдаланилди.

Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маълумот тўплаш учун ҳам университет манбалар хазинасида сақланаётган ўнга яқин янги нашрдаги китоблардан фойдаланилди.

Дарҳақиқат, буюк фақиҳларимиз қолдирган сон-саноксиз илмий асарлардан юзлаб нусха ЎзР ФАШИ, Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхоналарида, шунингдек, шарку ғарб мамлакатларидаги кўлёмалар фондларида сақланиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Мазкур илмий асарларни ўқиб ўрганиш, уларни таржима қилиб нашр этиш ва ҳар бири устидан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш мустақиллик даври фарзандларининг тарихий вазифаси ҳисобланади.¹⁰

Ишнинг илмий янгилиги. “Ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг янги нашр нусхаси Ливан пойтахти Байрутда “Дор ал-кутуб ал-илмийя” нашриётида 2009 йили чоп этилган. Аммо, асарнинг манбашунослик таҳлили ҳозирги замон тадқиқотчилари томонидан ҳали ўрганилганича йўқ. Шунинг учун ҳам мазкур илмий иш ўзига хос янги тадқиқот ҳисобланади. Шунингдек, илмий ишда қуйидаги янгиликларни кўришимиз мумкин:

- Муҳаммад Кардарийнинг ҳаёт-фаолияти, дунёқараши атрофлича ёритилди;

¹⁰ Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги - Б. 10.

- Асарда келтирилган маълумотлар ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларга тақсимланди;
- Асарда келтирилган темурийлар даврига оид тарихий вазиятлар ёритиб берилди;
- Олим яшаган даврда мавжуд бўлган маънавий таҳдидлар аниқланди ва олимнинг уларга бўлган муносабати очиб берилди;
- Асарда келтирилган долзарб масалаларнинг бугунги кундаги аҳамияти очиб берилди.

Фикҳга доир бошқа ўрганилган асарлар қатори Муҳаммад Кардарийнинг мазкур “ал-Фатово ал-Баззозия” асари ҳам ислом ҳуқуқшунослиги билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ўрганиши керак бўлган нодир манбадир.

Илмий ишнинг назарий аҳамияти. Юқорида айтиб ўтилганидек, илмий ишнинг назарий аҳамияти унинг янги иш эканлиги ва асарда тўхталиб ўтилган масалаларнинг бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятига эга эканлигидадир. “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида келтирилган маълумотлар фикҳий, ақидавий ва одоб масалаларини ўрганиш, темурийлар тарихини тадқиқ этиш учун муҳим манба эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Илмий ишнинг таркиби. Ушбу магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация таркиби кириш, икки боб, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

1.1. XIV-XV асрларда Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият

XIII аср бошида мўғуллар ҳукмронлиги даврида тушкун ҳолатдаги маданий ҳаёт XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб Амир Темурнинг оқилона сиёсати натижасида яхшилана бошланди. Мовароуннахр ва Хуросон ўлкалари ҳудудида яшовчи ўзбекларнинг маданияти, тили ва адабиёти ривожланишига янги имкониятлар яратилди. Темурийлар даври Ислом тарихида мўғуллар ҳукмронлигидан кейин Марказий Осиё ҳудудида қайта уйғониш даври бўлди. Темур ўз ватанини мустақил қилиб олиб чиқиб, ўз даврининг маданият, маърифат марказига айлантирди. Фикримизга мисол сифатида Самарқанд, Бухоро ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларидан етишиб чиққан олимлар қатори кардарлик Муҳаммад Кардарий ал-Базозийнинг илмий фаолиятини кўришимиз мумкин. Бу борада диссертациямизнинг кейинги параграфида кўришимиз мумкин.

Илм-фан ва маданият жамият учун озуқадир. Буни буюк бобоколонимиз Амир Темур ва унинг авлодлари, яхши билиб, унга амал қилганлар. Ўзи ва авлодлари учун мўлжалланган тузукларидан бирида Амир Темур: “Сайидлар, уламо, машойих, оқилу-донолар, муҳаддислар, тарихчиларни сара эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйдим”¹¹, дейди. Бунинг маҳсули сифатида биз салтанатдаги тараққиёт, хусусан, маънавий-маърифий соҳадаги юксалишни кўришимиз мумкин.

Темурийлар сулоласининг асосчиси Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул 1336 йили Кеш (Шахрисабз) яқинидаги Хожа Илғор қишлоғи (Яккабоғ тумани)да Барлос бекларидан бири Тарағай оиласида туғилган. XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннахрда ҳукм сурган ниҳоятда оғир сиёсий ва иқтисодий вазиятда мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этиш кераклигини Амир Темур тушуниб етган эди. Шунинг учун ҳам у ўз фаолиятининг дастлабки босқичида барча ҳаракатни Мовароуннахрда

¹¹ Темур тузуклари / Форсчадан Соғуний А. ва Караматов Ҳ. таржимаси. Аҳмедов Б. таҳрири остида / Сўз боши ва изоҳлар: Аҳмедов Б. (Бундан кейин: Темур тузуклари) – Т.:Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва снъат нашриёти. 1996. – Б. 70.

марказлашган давлат тузишга қаратди. Тарқоқ мамлакатни бирлаштиришга киришар экан, Амир Темур курашни аввало ички ғанимлардан бошлайди ва 1370 йили Балхда Амир Ҳусайнни енгиб тахтга ўтирди ва марказлашган темурийлар салтанатига асос солди.

Темурийлар ҳудуди шимолда Или дарёси ва Хоразм (Орол) денгизидан жанубда Форс қўлтиғига қадар, шарқда Хитой ва Ҳиндстондан ғарбда трабзун (Қора денгиз)га қадар улкан майдонни қамраган. Давлат тузилиши, конун ва қоидалари жиҳатидан темурийлар мусулмон Шарқда ўрта асрларда ҳукм сурган давлатлардан катта фарқ қилмаса-да, аммо унинг бошқарув тизими Туркистон ва Мовароуннаҳр давлатчилигининг асрий анъаналари, салтанатга кирган мамлакатлар билан маданий алоқалар асосида янги тартиб ва қоидалар билан такомиллаштирилган¹².

Ўзнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида Нас билан бирга 30 дан ортиқ фақиҳ олимларнинг фатволарини жамлаган Муҳаммад Кардарий ва кардарлик бошқа олимлар, Тож ад-дин Абу-л-Мафохир ал-Кардарий¹³, Абулважд Шамсул аимма ал-Кардарий Тож ад-дин Абу-л-Мафохир ал-Кардарийларнинг¹⁴ Хоразм воҳасидан етишиб чиқиши Хоразм ҳудудида ислом ҳуқуқшунолигининг тараққий этганини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, салтанатнинг бошқа ҳудудларидаги каби ижтимоий ва иқтисодий соҳаларнинг Хоразм ҳудудида ҳам ривож топганини англатади.

Темур ва темурийлар ислом динини салтанатдаги ўлкаларда маънавий бирлик, маданий юксалиш, адолатни ўрнатиш ва сақлаш ишига қаратдилар. Ислом дини асосида шаклланган тасаввуф олимлари, хусусан, нақшбандия темурийлар салтанатининг маданият тараққиётида ғоявий омил бўлиб хизмат қилган, темурий ҳукмдорларга кенг имконият ва руҳий куч-қудрат бағишлаган. Нақшбандия исломга таянган ҳолда, инсонни ахлоқий покликка, меҳнатсеварликка ва билим эгаллашга кенг йўл очиб берувчи ижобий аҳамиятга эга бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд, Ёқуб Чарҳий, Хожа Муҳаммад

¹² Ўзбекистон Миллий энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003. - Б. 364.

¹³ Ал-Аълум. – Ж. 4. - Б. 28.

¹⁴ ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-Баҳийя - Б. 291.

Порсо ва Ҳожа Аҳрор каби нақшбандия назариятчилари шу даврда ижод этганлар.

Марказий Осиёда сўфийлик шариат ва сунна доирасида ҳаракат қилиб, ҳукмдор ислом ақидаларига зид иш тутмади. Бу даврга келиб маҳаллий жамоага шайхул-исломлар бошчилик қила бошлаган. Шайхул-исломларнинг асосий маркази Самарқанд шаҳри бўлиб, Темур даврдоши шайхул-ислом Абдул Малик эди. У “Ҳидоя” асари муаллифи Бурҳониддин Марғиноний авлодидан бўлган.

Темурийлар салтанатида ислом дини асосий эътиқод манбаи ҳисоблангани билан салтанатда ирқий, диний ва бошқа турдаги бағрикенглик таъминланган бўлган. Тузуқларда Амир Темур, “турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва хизматимга кирган кишиларнинг улуғларига иззат-ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим”¹⁵, деган.

Бу масаланинг ҳуқуқий асосини ўша даврда ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқувчи фақиҳ олимларнинг асарларида, хусусан, “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида кўришимиз мумкин. Асарда, ҳатто мусулмон бўлмаган вилоятда ҳам мусулмонлар жамъ бўлиб, биргаликда байрамларни нишонлаб яшашлари жоиз эканлиги ҳақида келтирилган¹⁶.

Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари Ҳаж китобида, ихтиёрий, яъни фарз ҳисобланган бир марталик ҳажни адо этиб бўлиб, яна ҳажга боришдан садақа қилган афзалдир¹⁷, дейилади. Бундан шуни англаш мумкинки, одамлар ҳажга боришган, ва ҳажга бир неча мартаба боришга имкониятлари, шароит бўлган ва одамлар ҳажга бир неча мартаба борган. Асардан келтирилган юқоридаги иқтибос яна шуни англатадики, темурийлар даврида ижтимоий ҳимоя ҳам шаклланган бўлган.

Фикримизнинг далили сифатда тузуқларда келтирилган қуйидаги сатрларни кўришимиз мумкин:

¹⁵ Темур тузуқлари. - Б. 71.

¹⁶ Муҳаммад Кардарий. ал-Фатово ал-Баззозия (Бундан кейин ал-Фатаво ал-Баззозийя). – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя. – 2009. – Ж. 2. - Б. 432.

¹⁷ Ал-Фатаво ал-Баззозия. – Ж. 1. - Б. 97.

“Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, зоҳидларини суюрғол, вазифа ва ойлик билан сийласинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрислар ва шайхларга кундалик маошларини белгиласинлар.

Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни палос, таом ва чироқ билан таъминласинлар”¹⁸.

Хитойдан Ўрта ер дениз бўйлари томон йўналган қадимги карвон йўли кесиб ўтган ғоят улкан ҳудудда ягона салтанатнинг барпо этилиши билан бу халқаро мулоқот йўлида темурийлар шубҳасиз сарбонлик қилиш имконига эга бўлганлар. Улар савдо карвонлари хавфсизлигини таъминлашга, Шарқ ва Ғврб мамлакатлариаро савдо ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтиришга жиддий эътибор берганлар. Темурийлар даврида Хитой, Ҳиндистон, Тибет, Олтин Ўрдага тобе Русия, Волга бўйи, шунингдек, жанубий Сибирь билан мунтазам савдо сотиқ - қилинган. Хитойдан, асосан, шойи, чинни, гавҳар, мушк, Ҳиндистондан ип мато, нил (бўёк), мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ, долчин ва анбар, Русия ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна, тери ва мум олиб келинар эди, Европадан газмоллар, мовут ва кўпгина бошқа товарлар келтирилган.

Самарқанддан чет мамлакатларга бўз, духоба, шойи газлама, қоғоз, куруқ мева, гуруж, пахта ва калава (йигирилган ип) ва бошқалар чиқарилган. Зарафшон ва Қашқадарё водийларида, Фарғона, Шош, Хоразмда буғдой, арпа, шоли, тарик, ғўза, сабзавот, қовун, ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган ва хориж мамлакатларига сотилган.

“Ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг Корандалик бобида Иккинчи имомнинг, “Корандачи ҳосилни терганда ва жамлаганда хирож тўлайди, ер эгаси эса ҳосилни терганда хирож тўлаши даркор ... Хоразм имомлари

¹⁸ Темур тузуклари. - Б. 121.

орасида бу фатво қарор топди”¹⁹, деган фатвоси ва фикри ёзилган. Бундан келиб чиқадики, биринчидан, у даврда хирож корандалик учун ҳам тўланган экан, демак, у даврда корандалик ва хирож тўлови яхши ривожланган бўлган. Иккинчидан, у даврда имомларнинг ўрни Хоразмда етакчи бўлган. Учинчидан, имомлар орасида бошқа масаларларда фарқли хулосалар ҳам бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас

Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида деҳқончилик асосий ўрин тутган. Шу боис темурийлар деҳқончиликнинг бош омили бўлган суғориш ишларига катта аҳамият беришган. XIV асрнинг охири – XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда йирик суғориш тармоқлари қазилиб, коризлар, сув омборлари – бандлар ва ҳовузлар барпо этилиб, сув танқис вилоят ва воҳалар, шаҳар, қишлоқларнинг сув таъминоти яхшиланган. Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, обикор ерларнинг майдони кенгайтирилган. Шунингдек, мамлакатда бошқа қатор ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилган.

Амир Темур асос солган давлат қадимги Шарқда 3 йўналишда: ўтроқ деҳқончилик, дашт чорвачилиги, шаҳарсозлик шаклланган цивилизациялар қоришган Турон - Туркистон ҳудудларида ривож топиб қиёмига етган давлатчиликнинг нодир намунаси эди.

Ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темур 1405 йил 18 февраль куни Ўтрор шаҳрида вафот этган, Самарқандда дафн этилган.

Ниҳоятда кенгайиб кетган давлат Амир Темур вафотидан сўнг ворислар ўртасидаги низолар натижасида заифлаша бошлади. 1405 йилнинг 16 март куни Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори деб эълон қилди. Оқибатда шахзода, амир ва вилоят ноибларининг норозилиги кучайиб, исён ва ғалаёнлар кўтарилади. Даставвал Фарғонада Худойдод билан Шайх Нуриддин Халил Султонга қарши қўзғалиб, Ўратепа ва Фарғонани эгаллаб олди. Бу даврда Хуросонда

¹⁹ ал-Фатаво ал-Баззозийя. – Ж.2. - Б. 237.

Шохрух, Балх, Ғазни ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғиллари Умар Мирзо ва Абу Бакр Мирзо ҳокими мутлақ бўлиб оладилар. Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам вилоятлари амир Бердибекнинг тасарруфига ўтади. Олтин Ўрда амирларидан Идику Хоразмни забт этади. 1405 – 1408 йилларда Балх, Хуросон, Сейистон, Кермон ва Озарбайжонда темурий шаҳзода ва айрим амирларнинг бирин - кетин кўтарилган ғалаёнлари кучайиб кетади. Валиаҳд Пирмуҳаммад бундай ғалаён ва фитнанинг қурбони бўлган (1407 йил 22 февраль). 1408 йил 22 апрель куни қорақуюнли туркманларнинг етакчиси Қора Юсуф билан бўлган жангда Мироншоҳ ҳалок бўлиб, Озарбайжон ва Ироқ вилоятлари темурийлар қўлидан кетган.

XV асрнинг 20 йилларида бу улкан мамлакат 2 давлатга бўлинган эди. Улардан бири Амударёдан жанубда жойлашган бўлиб, уни Шохрух бошқарган. Маркази Хирот шаҳри бўлган. Иккинчиси эса, Амударёдан шимолда – Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган, пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган ва уни Улуғбек идора этган.

Улуғбек отаси Шохрухнинг кўмаги билан аввал 1413 йили Хоразмни, сўнгра 1414 йили²⁰ Фарғона ва Қашғарни ўз тасарруфига олиб, давлатининг ғарбий ва шарқий чегараларининг хавфсизлигини таъминлаган бўлса-да, аммо унинг шимол ва шимоли-шарқий томонлари хавотирли эди. Шу боисдан XV асрнинг 30 – 40-йиллари отаси Шохрух билан бирга Дашти Қипчоқда Абулхайрхон билан кураш олиб боришига тўғри келган. Чунки кўчманчи чорвадорлар Мовароуннаҳрнинг вилоятларига муттасил бостириб кирар ва ўтроқ аҳолига зарар етказар эди. Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса, ташқи сиёсатда Улуғбек темурийларнинг бош ҳукмдори Шохрухнинг иродасини изчил амалга оширган. Ташқи ва ички сиёсатга алоқадор ҳар қандай масалани у отаси билан маслаҳатлашиб ва келишиб, унинг рози-ризалиги билан ҳал этган.

²⁰ Усмонов Қ., Содиков М., Бурхонова С.. Ўзбекистон тарихи (Бундан кейин: Ўзбекистон тарихи). – Т.: Иқтисод - молия. 2006. - Б. 174.

Шохрух 1447 йил 12 март куни невараси Султон Муҳаммад исёнини бостириш вақтида Рай вилоятида вафот этган. Шохрух вафотидан сўнг, Хуросон ва мовароуннаҳрда темурий шахзодалар ўртасидаги низолар яна авж олади. Бу кураш оқибатида замонасининг йирик олими ва ҳукмдори Мирзо Улуғбек 1449 йил 27 октябрда 55 ёшида Самарқанд яқинида фожиали суратда ҳалок бўлади. Улуғбек Мовароуннаҳрни 40 йил, 1409 йилдан 1449 йилгача идора этди. Бу даврда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида кескин кураш давом этганлигига карамай, у шиддатли ҳарбий юришлар уюштиришга интилмади. Аксинча, у ўз давлатини мустаҳкамлашга, мамлакат бирлигини сақлаб қолишга ва маданий ҳаётни кўтаришга ҳаракат қилди.

Ўзбек давлатчилиги тарихида темурийлар даври алоҳида аҳамиятга эга. Темурийларда аввал ҳокими мутлақ – Амир Теумр, сўнгра эса унинг ворислари бевосита ҳукмронлик қилишган. Салтанатни девонбеги – бош вазир бошлиқ 7 вазирликдан иборат аркони давлат – Вазирлик Маҳкамаси бошқарган²¹. Улардан биринчиси – мамлакат ва раият вазири. У вилоят ва туманлардан тўпланадиган ҳосил, сойқ-ўлпонлар ва мамлакат ободонлиги билан шуғулланган. Иккинчиси – вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар вазири. У навкарларнинг таъминоти (маоши, озиқ-овқати ва қурол-яроғлари) билан шуғулланган. Учинчиси – тижорат (савдо) вазири эди. у ташқи савдо божи тамға, чорвачилиқдан тўпланадиган закот, эгасиз қолган мол - мулкларнинг тасарруфи, мерос ва меросхўрлар каби масалалар билан шуғулланган. Тўртинчиси – салтанатнинг молия ишлари вазири бўлиб, давлат хазинасининг кирим - чиқимларини бошварган. Чегара вилоятлари ва тобеъ мамлакатлар бошқарувини назорат қилиш учун махсус учта вазир тайин этилган. Улар мазкур вилоят ва мамлакатлардан давлат хазинасига тушадиган даромадларни назорат қилган. Ўз навбатида бу уч вазир девонбегига бўйсунган ва у билан бамаслаҳат давлатнинг ишларини амалга оширганлар. Ёзма манбалардан маълум бўлишича, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида салтанат девонхонасида Амир Довуд,

²¹ Темур Тузуклари. - Б. 10.

Жалолоддин Фирузшоҳ, Гиёсуддин Шоҳмалик, Алоуддин Алика Кўкалдош ва Алишер Навоийдек доно девонбегилар бу олий мансабда фаолият кўрсатганлар, мамлакатнинг ободонлиги йўлида беқиёс хайрли ишлар амалга оширганлар.

Девонхона қошида арзбеги, садри аъзам, шайхулислом ва аҳдос қозиси каби лавозимлар мавжуд бўлган. Арзбеги фуқаро ва сипохийлардан тушадиган арзу шикоятлар ҳамда мамлакатдаги аҳвол тўғрисида маълумот тўплаш ва бу борада олий даргоҳга ахборот бериб туриш каби вазифаларни бажарган. Садри аъзам – бош садр мамлакатдаги барча вақф хўжаликларини назорат қилган. Давлат ҳамда ер эгалари томонидан вақф қилинган ерлар ва мулкларни қайд этган ва вақфномалар тузиб уларни қонунийлаштирган. Шайхулислом аҳолининг турли ижтимоий табақалари ўртасида шарият аҳкомлари ва ислом ақидаларининг бажарилишини назорат қилган²².

Давлатнинг бош қозиси – қози ул - қуззот “аҳдос қозиси” номи билан юритилиб у фуқаро ишлари билан шуғулланган. Салтанат маҳкамасида кирим - чиқимларни қайд этувчи махсус мунши – котиб фаолият кўрсатган.

Мамлакат маъмурий жиҳатдан улус, вилоят ва туманларга бўлиниб, улар ҳоким, ноиб ва туман бошилари томонидан бошқарилган. Уларнинг аксарияти ҳарбий – амирлардан иборат эди. Ҳар бир шаҳар ва вилоятнинг молия девони, қозиси, муфтиси, мутаваллиси ва мухтасиби бўлган. Ҳар бир шаҳар ва қалъаларда қутвол (комендант) тайинланиб, унга шаҳар ва қалъа истехкомларини таъмирлаш ва уларнинг мудофааси юкланган. Фатҳ этилган вилоят ва ҳудудлар ва хизмат кўрсатган амирларга суюрғол тарзида инъом қилиниб, улар орқали бошқарилган²³. Масалан, Амир Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгирга Балх вилояти, Умаршайхга Форс вилояти, Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон, Шоҳрухга Хуросон, Журжон, Мозандарон ва Сейистон берилган. Гарчи улуслар марказий ҳукуматга итоат этсалар-да, ammo улар маълум даражада мустақил эдилар. Уларда алоҳида девонхона,

²² Ўзбекистон тарихи. - Б. 171.

²³ Темур тузуклари. - Б. 13.

кўшин бўлиб марказий ҳукуматга тобелик хирожининг бир қисмини Самарқандга юбориш ва олий ҳукмдор ҳарбий юришларида ўз кўшини билан қатнашиш ёки талаб этилган сонда аскар юборишдан иборат эди.

Суюрғолга эга бўлган вилоят ҳокимлари – шахзодалар ўз улусларида иложи борича мустқил ҳукмронлик қилишга интиланлар. Марказий ҳокимият эса, вазият жидийлашгандагина уларнинг ички ишларига аралашган. Шубҳасиз суюрғол асосида шаклланган мулкчилик бошқарув тартибининг кучайиши вилоятлар мавқеининг ошишига олиб келган ва ички низоларни келтириб чиқарган. Темурийлар даврида ўрта сар йирик мулкдорлари давлат таянчи бўлиб, маъмурий жиҳатдан унинг такомиллашувига суюрғолнинг кенг тарқалиши жиддий тўсқинлик қилган.

Эл - юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамияти ката бўлганлиги туфайли унинг такомилга алоҳида эътибор берилган. Амир Темур ва амир ул – умаро – бош амир каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий этган, кўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашкарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда уларнинг интизоми масалаларига ниҳоятда аҳамият берган.

Давлатни бошқаришда қурултой ва кенгашлар ўтказиш алоҳида ўрин тутган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур томонидан Қарши, Самарқанд, Қорабоғ ва бошқа жойларда ўтказилган қурултой ва кенгашларда шахзодалар, давлат маъмурлари, ҳарбий бошлиқлар, уламолар ва мулкдор зодагонларнинг вакиллари қатнашган²⁴. Уларда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига оид масалалар муҳокама этилиб, қарорлар қабул этилган ва тадбирлар белгиланган. Масалан, 1403 йилда Кавказнинг Байлақон шаҳрида чақирилган кенгашга олиму фузалолар таклиф этилган. Улардан мамлакатни бошқаришда, хусусан, унинг ободонлиги йўлида амалга ошириладиган хайрли ишлар – жамоат бинолари ва иншоотлар қурилишларида ўз маслаҳатлари билан кўмак беришлари сўралган.

²⁴ Темур тузуклари. – Б.: 26.

Темурийлар даврида ўтказилган қурултой, кенгаш, шоҳона қабуллар ва дабдабали сарой маросимларига ўрта асрлар давлатчилигининг ўзига хос анъаналари мужассам этилган. Тантанали издиҳом тартиби - ю қоидаларидан тортиб, аъёнларнинг тўёна либосу ўринларигача эътибор берилган. Масалан, расмий маросимларда амир ул - умаро, беклар бегилар, амирлар, нўёнлар, сардорлар, улус, тумонот ва қўшунот амирлари, шунингдек, мингбошилар, юзбошилар мансаб ва мартабаларига қараб ҳукмдорнинг сўл томонидан, саййидлар, қозилар, уламо, фузало машойих, улуғ ва олий табақадаги кишилар ўнг тарафидан ўрин олганлар. Девонбеги ва вазирлар – тахт рўпарасидан, калонтарлар (шаҳар ҳокимлари), кадхудолар (қишлоқ оқсоқоллари) вазирларнинг орқасидан жой олган. Баҳодурлар, қиличбоз йигитлар – тахт орқасида, унинг ўнг тарафидан, қоравуллар эса, тахт орқасининг чап тарафидан ўрин олишган.

Амир Темур ҳаётлик давридаёқ давлатни бошқариш услубига бағишланган махсус асар яратилиб, у “Темур тузуклари” номи билан шуҳрат топган. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу - тахт эгаларининг тутуми (йўналиши) ва вазифалари, вазир ва қўшин бошиқларини сайлаш, сипоҳларнинг маоши, мамлакатни идора этиш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурчи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш ва бошқалар баён этилади. Шундай қилиб темурийларда давлат тузилиши, қонун - қоидаларни тартибга солиш билан бир қаторда, олий даргоҳ ҳаёти билан боғлиқ анъаналар ҳам қарор топган.

Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарини тадқиқ қилар эканмиз, Амир Темурнинг давлат бошқарув тизимида ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалар етакчи ўринда эканлигини гувоҳи бўламиз. Бу борада илмий иш II бобининг 1-қисмида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан, Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар давлат бошқарувида ислом омилидан оқилона фойдалана билганлар;

Иккинчидан, бу давр маданиятининг ютуқлари халқимизнинг кейинги маданий ривожланишига катта замин яратди. Темурийлар тарихи ва маданиятини келажак авлодга ўргатиш тарих ва маданият соҳасидаги долзарб масалалардан биридир.

1.2. Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожда Муҳаммад Кардарийнинг ўрни

Мамлакатимиздан етишиб чиққан буюк аждордларимизнинг бой илмий мерослари нафақат бизнинг мамлакатимиз балки, хориж мамлакатларининг ҳам маънавий-маданий юксалишида ўз таъсир кучига эга бўлган ва ҳозирга қадар жаҳон олимлари эътиборини ўзига қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубий қисми қамраб олувчи ҳудуд – “Мовароуннаҳр” араб тилида “дарёнинг нариги томони”, деган маънони англатади²⁵. Бу диёр илм ўчоқларидан бири ҳисобланиб, кўп йиллик тарихга эгадир. Шу сабабли, бу ерга ҳар бир давр олимлари томонидан қизиқиш бўлган. XIX асрда Абдулхай ал-Лакнавий (1264-1304/1847-1889) ўзининг “ал-Фавоид ал-Баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя” (“Ҳанафий фақиҳлари таржимаи ҳоллари ҳақида фойдали китоб”) асарида қардарлик олимлар, уларнинг ижод-фаолиятлари ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган. Шарқ ва Ғарб мамлакатларида бу борада бир неча изланишлар олиб борилганлигига қарамай қардарлик олимлар ҳақида маълумотлар оздир. Шулар қаторида, XX асрда яшаб ижод этган араб олими Хайруддин аз-Зириклий “ал-Аълум” (“Машхур кишилар”)²⁶ асарида бир қатор мовароуннаҳрлик фақиҳлар, олимлар ҳақида сўз юритиб, қардарлик олимларнинг ҳам ҳаёт – фаолиятига тўхталиб ўтган.

Ислом ҳуқуқшунослари, ислом ҳуқуқшунослиги ҳақида гапирар эканмиз, фақиҳ ва фикҳ сўзларининг луғавий ва истилоҳий маънолари ва тарихига тўхталиб ўтиш жоиз.

Фақиҳ – араб тилида, тушунувчи, англовчи, идрок қилувчи, деган маъноларни англатади. Истилоҳий маъноси эса, шариат ҳукмларини мукамал билган, фикҳ фани билан шуғулланувчи одам. Фақиҳнинг бир неча

²⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Ж. 6. – Т.:2002. - Б. 35.

²⁶ Хайруддин аз-Зириклийнинг “ал-Аълум” асарида ислом оламидаги машхур шахслар, фақиҳлар, уларнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва шу даврларга оид қимматли турли тарихий воқеалар араб тилида берилган. Муаллаф асарни 1912 йилдан ёзишни бошлаган. Асар олим вафотидан сўнг бир неча бор – 1927, 1957, 1969 йилларда араб тилида нашр этилган. “ал-Аълум” комусий луғатининг 13 - нашри 1998 йил май ойида Ливан нашриётида араб тилида нашр эилган бўлиб, ҳозирги кунда асарнинг саккиз қисми Тошкент ислом университетининг Манбалар ҳазинасида сақланмоқда.

даражалари бўлган. Энг олий даражадаги фақиҳлар – мужтаҳидлар фикҳ бўйича шу қадар чуқур билимга эга бўлишганки, манбаларни шархлаш йўли билан мустақил ҳолда одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиққанлар (Усул ал-фикҳ). Маълум бир мазҳаб асосида фикҳнинг маълум бир масаласи юзасидан ўз фикрини билдирувчи муфтини ҳам фақиҳ деб аташган. Шунинг учун “фақиҳ”, “мужтаҳид” ва “муфти” кўпинча синоним сўз сифатида келтирилади²⁷.

Фикҳ – араб тилида, чуқур тушуниш, билиш маъноларини англатиб, истилоҳда, мусулмонларнинг хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги ислом доктринаси (ҳуқуқшунослик), ислом ижтимоий меъёрлари мажмуаси (кенг маънодаги мусулмон ҳуқуқи). Иккала маънодаги фикҳ ислом дини вужудга келиб, мусулмон давлати – Халифалик қарор топиши билан дарҳол таркиб топган эмас. VIII асрнинг 1-ярмигача умуман халифаликнинг ижтимоий, жумладан юридик меъёрлари тизими ислом қоидалари билан белгиланмас, балки асосан исломдан аввал мавжуд бўлган ва янги тарихий шароитда амал қилиб турган нормалардан иборат эди.

Араблар босиб олган ҳудудларда аввалги юридик нормалар, одатлар янги дин ақидаларига зид бўлмаса, улар ҳам жиддий ўзгаришларсиз сақланиб қолаверган, чунки, аввал бошда ислом ўзининг ҳуқуқий масалаларига унчалик эътибор билан қарамаган. Бу пайтда халифаликнинг ҳуқуқий тизими Рум (Византия), сосонийлар, талмудчилар ва шарқий христианлар ҳуқуқининг айрим унсурларини ҳамда кўпгина маҳаллий урф-одатларни қабул этди, уларнинг кўплари кейинчалик исломники қилиб олинди ва фикҳга киритилди²⁸.

Фикҳни шакллантиришни, бир томондан, амал қилиб турган ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий меъёрларни диний ақидаларга мослаштириш зарурлиги ва иккинчи томондан, илк мулкдорлар жамиятининг эндигина вужудга келган муносабатларини моҳият эътибори билан исломнинг диний – ахлоқий

²⁷ Ислом.Энциклопедия./З.Хусниддинов таҳрири остида (Бундан кейин: Ислом энциклопедияси). - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004. - Б. 246.

²⁸ Ислом энциклопедияси. – Б. 248.

таълимотига асосланган қоидалар негизида тартибга солиш эҳтиёжлари тақозо қилар эди. Фикҳнинг қарор топиши Пайғамбар Муҳаммад ҳадислари ва чаҳорёрларнинг айтган гапларини ёзиб олиш билан бирга давом этди. Шу сабабли фикҳга оид дастлабки асарлар (масалан, Зайд ибн ал-Ҳасаннинг "Мажмуа", Молик ибн Анаснинг "ал-Муваддо", Аҳмад ибн Ҳанбалнинг "ал-Муснад" асарлари), аслида, ҳуқуқий мавзудаги тадқиқотлар эмас, балки муайян мавзуда танлаб олинган ҳадислардан иборат. Ҳадисларнинг бир тизимга солиниши Қуръон ва суннани оқилона талқин этиш орқали ҳал қилинадиган масалаларни белгилаб олиш ва шу тариқа фикҳни мустақил фан сифатида шакллантириш имконини берди²⁹.

XVIII аср ва XIX асрнинг 1-ярмида фикҳда ўз тушунчалари вужудга келди, ўзига хос тил ва услуб шаклланди. Унда пайғамбар Муҳаммаднинг вафотидан сўнг асл маънода қонунлар яратиш фаолияти тўхтади, деган фикрга келинди. Қуръон ва сунна ҳуқуқий ечимларнинг асосий манбалари бўлиб қолди. Фақиҳлар мусулмон жамоасининг яқдил фикри (ал-ижмоъ)ни чаҳорёрларнинг ягона фикри деб ҳисоблаб, уларни ҳам мустақил манба сифатида тан олар эдилар. Қуръон ва сунна фақиҳларни қизиқтирган ҳар қандай саволга жавобларни ўз ичига олади, деган хулосага келинди. Шу сабабли уларда мусулмонлар амал қилиши лозим бўлган аниқ феъл-атвор қоидалари хусусида бир хил ечим, кўрсатма бўлмаган тақдирда фақиҳлар мазкур манбаларни ҳуқуқий нуқтаи назардан талқин этишга, улардаги умумий йўл-йўриқларни амалий меъёрлар ва ҳуқуқий ҳолатлар шароитига таржима қилиш (таъбиқ этиш)га алоҳида эътибор бердилар.

Аста-секин асосий манбаларда бевосита кўзда тутилган ҳолатлар бўйича улардан ҳуқуқий хулосалар "чиқариб олиш" (ал-истинбот) усуллари қарор топди. Мазкур усуллар, шунингдек асосий манбаларда умумий мажозий шаклда баён этилган йўл-йўриқлардан олинган хулосалар (заннийат ад-далола) ижтиҳодга асос қилиб олинди. Фақиҳлар буни Қуръон ва суннада бевосита шаклда тилга олинмаган (қатъийат ад-далола) ёки чаҳорёрларнинг

²⁹ Ислом энциклопедияси. - Б. 250.

якдил фикрида акс этмаган масалалар юзасидан ечимлар топишнинг оқилона йўли деб тушуна бошладилар. Жумладан, шу дамгача маълум бўлган ечимлардан хулоса чиқариш йўли билан ўхшашлик асосида янги меъёрларни шакллантиришнинг қатъий шартлари белгиланди. Қиёс тушунчаси пайдо бўлди. Қуръон, сунна, ижмоъ билан бир қаторда қиёсни ижтиҳоднинг асосий шакли ва фикҳнинг манбаи деб тан олиниши билан фикҳда алоҳида йўналиш – фикҳ усулига асос солинди. Бу усул фикҳ манбалари, уларни талқин қилишдаги ҳамда аниқ ҳукуқий масалаларни ҳал этиш учун уларни татбиқ қилишдаги услублари билан шуғулланади.

Фикҳ илмини ривожлантиришда аш-Шофиъий (вафоти 820 йил)нинг хизмати катта. У ўзининг "Рисола"сида фикҳнинг асосий тоифаларини биринчи марта аниқ таърифлаб берди. Тахминан, X асрда фикҳ диний илмлар сирасига кирувчи мустақил фан тариқасида узил-кесил таркиб топди. Бироқ, у назарий илоҳиёт (калом илми)дан расман ажралиб чиққан бўлишига ва анъанавий фақиҳлар мутакаллимларга душманлик муносабатида эканига карамай, фикҳ илми билан калом илми ўртасида узвий боғлиқлик бор эди. Илми каломнинг кўпгина қоидалари фикҳ доирасида ҳукуқий масалаларни ҳал этиш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилди. Улар кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдириб, диний ҳақиқат ва турмуш тарзи (шариат) тўғрисидаги ягона ислом таълимотининг турли соҳаларини ишлаб чиқди.

Фикҳнинг ўзига хослиги шундан иборат эдики, у ақл етмайдиган “узатилган” (“ўтказилган”) ҳақиқатни хусусий ҳолатларга оқилона “татбиқ қилиш” ёрдамида амалий масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади. Бора-бора фикҳни илм ал-фуруъ деб тушуниш ҳаммага маъқул бўла бошлади. Илм ал-фуруъ – шариатнинг аниқ манбалар асосида таърифланган (яъни, Қуръон ёки суннанинг айрим қоидаларига асосланган ва ижмоъда тасдиқланган ёхуд ижтиҳод ёрдамида баён этилган) “Амалий” (одамлар хулқ-атворини тартибга соладиган) меъёрлари тўғрисидаги фандир.

VIII аср бошида Мовароуннаҳрга кириб келган ислом дини ўз маданияти билан бирга, ислом ҳукуқшунослигини ҳам минтақада шаклланишига замин

яратди. Манбаларда XII асрнинг биринчи ярмида кардарлик фақиҳ Абдулғаффор ибн Лукмон ибн Муҳаммад ал-Кардарийнинг сермахсул ижод этиши олим яшаган даврда Кардар қишлоғида фикҳнинг тараққий этганини англатса, XIII-XV асрларда яшаган кардарлик фикҳлар Муҳаммад Кардарий ва унинг отаси Носуруддин ал-Кардарийларнинг³⁰ усул ал-фикҳ ва фуруъ ал-фикҳ илмларидан дарс берганликлари кардарда усул ал-фикҳ ва фуруъ ал-фикҳ илмларининг тараққий этганини кўрсатади.

Фикҳ илми меъёрларнинг икки тоифасини: 1) мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабати (ибодот); 2) одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, мусулмон ҳокимияти (давлати)нинг ўз фуқаролари, бошқа динлар ва давлатлар билан муносабати (муомалот)ни белгиловчи, тартибга солувчи меъёрларни ўз ичига олади. Фақиҳларнинг асосий куч - ғайратлари меъёрларнинг иккинчи тоифасини ишлаб чиқишга қаратилди, уларнинг аксарияти ижтиҳод асосида жорий этилди. Фикҳ шаклланишининг илк босқичидаёқ икки мактаб юзага келган эди: улардан бири - Ироқ мактаби “мустақил фикрлаш тарафдорлари” (асҳоб ар-раъй)³¹ мактаби деб, иккинчиси - Мадина мактабини “нақл тарафдорлари” (асҳоб ал-ҳадис)³² мактаби деб аталган. Улар ўртасидаги тафовут мактаблар ўз таълимотларини ривожлантирган моддий ва маданий шароит хусусиятлари ҳамда улар мерос қилиб олган ҳуқуқий анъаналар билан изоҳланади. Ироқлик ҳуқуқшунослар ижтиҳодни қиёсдангина иборат деб билмасдан, ундан кенгроқ фойдаландилар, Мадина мактаби эса, асосий эътиборни Қуръон ва суннага қаратди.

Аввалига бу мактабларнинг таълимоти муайян ном билан аталмади, бироқ кейинчалик уларнинг ҳар бири ўз таълимотини ўз асосчиси номи билан атай бошлади. Чунончи, Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (вафоти 767 йил) Ироқ мактабининг асосчиси бўлган. IX-X асрларда фикҳнинг бошқа сунний тариқат (мазҳаб)лари ҳам юзага келди. Масалан, Муҳаммад ибн

³⁰ <http://www.ummnet.kz/index.php?id=35>

³¹ Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. - Б. 75.

³² Ўша асар. - Б. 74.

Идрис аш-Шофиъий (вафоти 820 йил) номи билан аталган шофиъийлик тариқати ижтиҳодни қиёс билан айнан бир нарса деб ҳисоблаб³³, уни қатъият билан татбиқ этди. Кейинроқ Аҳмад ибн Ҳанбал (вафоти 855 йил) асос солган ҳанбалийлик мазҳаби ҳам тан олинди. Бу тариқат Қуръон ва ҳадислардан имкони борича кенг фойдаланганлиги ва ижтиҳодга ишончсизлик билан қараганлиги маълум.

Фикҳнинг бошқа мактаблари ҳам бор эди, аммо, XIV асрга келиб, мазкур тўрт сунний мазҳаб ҳамда бир неча шиалик тариқатларигина сақланиб қолди. Фикҳ мазҳабларидан ҳар бирининг таълимоти унинг тарафдорлари эътироф қилган асарларда баён этилган. Бу асарларнинг кўпчилиги ўрта асрларда мазҳаб асосчилари, уларнинг яқин шогирдлари ва издошлари, атоқли ҳуқуқшунослар томонидан ёзилган. Масалан, ҳанафийлик мазҳаби бўйича Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Шайбоний (вафоти 805 йил)нинг олти китоби энг мўътабар (Кутуб зоҳират ар-ривойа) ҳисобланади³⁴.

Мазкур асарларнинг энг муҳим қоидаларини кейинчалик Абул Фазл ал-Марвазий ўзининг “ал-Кофи” китобида умумлаштирди, Шамсиддин ас-Сарахсий (вафоти 1090 йил) бу китобни батафсил шарҳловчи “ал-Мабсут” асарини яратди. “Ал-Мабсут” ҳанафийлик мазҳабига оид энг обрўли асарлардан бири деб тан олинади. Молик ибн Анаснинг “ал-Муватто” китоби моликийлар фикҳи бўйича етакчи манбалигача қолмокда. Бундан ташқари моликийлик фақиҳларининг бир неча авлоди, аввало, Абдусалом Сахнун (вафоти 854 йил) томонидан яратилган “ал-Мудаввана ал-кубро” асари жуда машҳур. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “ал-Муснад” асари ҳанбалийлар учун шундай аҳамиятга эга. Аш - Шофиъийнинг “ал-Умм” асари шофиъийлик фикҳи бўйича биринчи манбадир³⁵. Шиалар фикҳга доир анчагина китоблар ҳам маълум. Умуман, фикҳга оид асарлар орасида турли мазҳабларнинг хулосаларини таққослашга бағишланган асарлар (илм ал-хилоф) сезиларли

³³ Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. – Б. 74.

³⁴ Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. – Б. 162.

³⁵ Ўша асар. – Б. 84.

ўрин олади. Бир мазҳаб тарафдорлари ўртасида ҳам ихтилофлар борлиги фикҳга хос хусусиятдир.

IX аср ўрталаридан эътиборан сунний фикҳида фақат ўтмишдаги йирик ҳуқуқшунослар ижтиҳод ҳуқуқига эга, деган ғоя қарор топа бошлаган эди, X аср ўрталарига келганда эса, ўзининг ҳуқуққа оид қарорларини таърифлаб бериш усуллари тизимига эга бўлган янги мазҳаблар юзага келиши мумкин эмас, деган эътирозсиз яқдил бир фикрга келинди. Бинобарин, энди ҳар бир фақиҳ муайян мазҳаб таълимотига эргашмоғи даркор бўлиб қолди, буни тақлид деб юритадиган бўлдилар. Шу вақтдан бошлаб фикҳнинг ривожини эътироф қилинган мазҳаблар доирасида давом этди. Бунда ўтмишдаги йирик мужтаҳидларнинг хулосаларини мунтазам ҳолатга келтиришга, уларнинг асарларини шарҳлашга, уларни қайта ишлаб, қисқа ва содда тўпламлар тайёрлашга асосий эътибор берилди.

Ўрта асрларда ва янги даврда фикҳга оид асарлар орасида фатво тўпламлари кўпайди. Фатво тўпламлари тартибга солинадиган мавзулар бўйича гуруҳланган ва ҳар бирининг манбаи кўрсатилган фавқуллода меъёрлар мажмуасидир. Ал-Қудурийнинг (вафоти 1037 йил) “Мухтасар”, Қозихоннинг (вафоти 1196 йил) “Фатово”, Бурҳониддин Али Марганонийнинг (вафоти 1197 йил) “Ҳидоя”, Муҳаммад Кардарийнинг (вафоти 1414 йил) “ал-Фатово ал-Баззозия”³⁶ асарлари бунга мисол бўлади.

Сунний фақиҳлар фатволарининг аксарият тўпламлари кенг мазмунли бўлиб, таҳорат, намоз, дафн, закот, рўза, ҳаж, турли савдо-сотик битишувлари ва мажбуриятларини, мулкни тасарруф этиш тартиботини, вақф, мерос, никоҳ-оила муносабатлари ҳар хил ҳуқуқбузарликлар, мусулмон ҳокимиятини номусулмон ва бошқа давлатлар билан муносабатлари, қозилик, кийиниш, овқатланиш қоидалари ва шу каби асосий бўлимларни ўз ичига олади. Бир-бири билан боғлиқ бўлган айрим масалаларга тааллуқли ишлар ҳам борлиги маълум. Масалан, ал-Мовардийнинг (1058 йили в.э.) “ал-

³⁶ “ал-Фатово ал-Баззозия” номи билан машҳур бўлган “ал-Важиз” асари “Фатавои ҳамида”нинг хошиясига ёзилган. Бугунги кунда асар тошбосма нусхасининг биринчи жилди Тошкент ислом университетининг “Манбалар хазинаси”да 119 рақами остида сақланмоқда. Асарнинг иккинчи жилди эса, 112 рақами остида сақланмоқда. Асарнинг учунчи жилди 157 рақами остида сақланмоқда.

Аҳком ас-султонийа” рисоласи асосан халифаликни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда шу муносабат билан молия, ер, жиноят ва қозилик ҳуқуқига бағишланган.

Фикҳ мусулмонлар орасида амал қилган феъл-атвор қоидалари маъносида ижтимоий меъёрларнинг ҳар хил диний, ҳуқуқий, ахлоқий турларини, шунингдек, урф-одатларни, оддий хушмуомалалик ва ахлоқ-одоб қоидаларини ўз ичига олган, яъни кенг, умумий ижтимоий тушунчадаги мусулмон ҳуқуқи бўлган.

Шу мажмуага кирувчи меъёрларнинг турли тоифаларини ижтимоий муносабатларда ва шахсий феъл-атворда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Чунки, мусулмонлар диний аҳкомларни имон – эътиқод билан адо этар ва шу сабабли улар жуда мукамал бўлар эди. Фикҳнинг кўпгина қоидалари мусулмонлар орасида расм бўлган ва бу қоидаларга риоя этилишни кафолатлайдиган урф-одатларни акс эттирар эди.

Чигаллик фикҳ меъёрларининг кўпчилигага хос хусусиятдир. Зеро, айтилган бир хил масалаларни ҳал этишда турли мазҳабларнинг бир-бирига тўғри келмайдиган ҳулосалари татбиқ этилиши мумкин эди. Ҳатто бир мазҳаб ичида ҳам зиддиятли қоидалар амал қилаверар, чунки фикҳ ҳуқуқ кўп жиҳатдан йирик ҳуқуқшуносларнинг аниқ масалаларга оид қарорлари йиғиндисидан иборат бўлиб, улар айтилган бир масала юзасидан кўпинча турли ҳулосаларга келар эдилар. Шу сабабли ҳатто давлат фикҳдаги муайян тариқатни қўллаб қувватлаши ҳам бир хил меъёрлар тизими белгилаб қўйилганини билдирмас эди. Бинобарин, фикҳнинг бир-бирига мос келмайдиган кўпдан-кўп қоидалари орасидан қози қайси бирини танлаб олишини олдиндан билиб бўлмас эди. Шу сабабли фикҳнинг умумназарий асоси аста-секин биринчи ўринга чиқа бошлагани бежиз эмас.

Ўрта асрларда мусулмон фақиҳлари қозиларнинг фикҳга оид якка-якка кўрсатмалари асосида унинг умумий қоидалари (ал-Қавоъид ал-куллийа)ни шакллантириб беришга муваффақ бўлдилар. Шу соҳадаги ишлар орасида Ибн Нужаймининг (вафоти 1562 йил) “ал-Ашбоҳ ва-н-назоъир” асари яхши

маълум. XVI-XVII асрларда чигал фатволар билан бир қаторда меъёрий қоидалар узил - кесил шакллантириб берилганлиги иккала маънодаги фикҳ-ни ривожлантиришда энг юқори нуқта бўлди.

Шахсий ҳолат ҳуқуқи (ал-аҳвол аш-шахсийа) фикҳнинг энг ривожланган тармоғи ҳисобланади. У оила-никоҳ, мерос муносабатларини ва уларга яқин бўлган бошқа баъзи муносабат (ҳуқуқ қобилияти, вақф тартиби ва ҳоказо)ларни тартибга солувчи меъёрий йиғиндисидан иборат. Жамиятнинг иқтисодий негизидан нисбатан хийла олис бўлган, икки томондан, диний ақидалар билан жуда қатъий белгилаб қўйилган ушбу муносабатларни тартибга солишда фикҳ меъёрлари, одатда, бошқа тармоқларга нисбатан жуда кенг қўлланилиб келди. Аммо, ҳатто оила-никоҳ соҳасида ҳам маҳаллий урф-одатлар фикҳ билан рақобат қилар ва амалда унинг айрим қоидаларини йўққа чиқариб юборар эди.

Фикҳнинг таракқий этишида Мовароуннаҳр фақиҳларининг ўрни бекиёсдир. Тарихий адабиётларда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан етишиб чиққан фақиҳлар ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, улар тадқиқотчилар томонидан атрофлича ёритилган. Аммо, XIV-XV асрларда Хоразм воҳасида жойлашган Кардар қишлоғидан етишиб чиққан фақиҳлар ҳақида кам маълумот берилган. Биз ҳам мазкур магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертациямизнинг ушбу бобида кардарлик фақиҳ олимлардан бири Муҳаммад Кардарий ал-Баззозий ҳақида фикр юритмоқчимиз. Зеро, кардарлик олимлар илм бобида юқори даражада бўлганлар.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Аҳмад Кардарий ал-Баззозий ҳанафий мазҳабининг йирик фақиҳ олимларидан бўлиб, ҳижрий 729 / 1389 – 816 / 1413 йиллари яшаган³⁷. Баъзи манбаларда ёзилишича, олим 827 / 1423-4³⁸ йили рамазон/август ойининг ўрталарида³⁹

³⁷ “ал-Фатово ал-Баззозия” асари қўлёзма нусхаси. – Кувайт Қўлёзмалар Кутубхонаси. – № 2885.

– Ҳижрий 10 - аср. – 1- варақ.

³⁸ Шестрбитий. – №. 4388.

³⁹ Юзеева А.Н. Очерки Марджани. – Стр. 46.

Кардарда⁴⁰ вафот этган. Бошқа манбаларда эса, робиус – саний / 3 март – 1 апрель ойида вафот этган⁴¹, деб келтирилади. Яна баъзи манбаларда кўрсатилишича, олим 829 / 1425 йили вафот этган⁴². Абдул-Ғаффор ибн Лукмон ал-Кардарий “Кардар”ни Хоразмдаги вилоят, деб ёзиб қолдирган⁴³. Олимнинг “Баззозий” деб аталишига қараганда у газлама тижорати билан шуғулланган⁴⁴. Ғарб адабиётларида кўп ҳолларда олимнинг исми Муҳаммад Кардарий эмас, балки Муҳаммад Курдарий, деб келтирилади. Олим илк таҳсилни отаси Носируддин Кардарийдан олиб, кейинчалик юксак даражада такомиллаштирган. Самарқанд, Бухорога борган⁴⁵, Болгария⁴⁶, Қрим, Туркияга сафар қилган, ҳажга борган. Муҳаммад Кардарий бир нечта асарлар ёзган. Унинг асарларидан энг машҳури “ал-Важиз”⁴⁷ асари бўлиб, мазкур асар халқ орасида “ал-Фатово ал-Баззозия” номи билан машҳурдир⁴⁸.

“У Итил (Волга) дарёсининг ёнидаги “Сарой” шаҳрида маълум муддат яшаган. Кейинчалик Қрим шаҳрига сафар қилиб, у ерда ҳам бир неча йил яшайди. Қримда олимлар, имомлар ва фақиҳлар билан суҳбат қилиб, улар билан мунозара ўтказади. Унинг ақлу заковати ва илми олимларни ҳайратда қолдирган.

Манбаларда бу ерда унинг шогирдларидан Муҳиддин Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Кофижий, Аҳмад ибн Фазл ал-Хожитархоний, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳ⁴⁹, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Қиримий, Шарафуддин ибн Камол ал-Қиримий⁵⁰ зикр этилган.

Адабиётларда олим номлари юқорида зикр этилган “ал-Кофий”, “Ҳидоя”, “Мухтасар ал-Қудурий”, “ал-Муфассал” каби фикҳий асарлардан

⁴⁰ <http://www.ummet.kz/index.php?id=35>

⁴¹ Юзева А.Н. Вафийат ал-аслаф. – Стр. 35.

⁴² Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. - Б.233.

⁴³ Лакнавий. Ал-Фавоид ал-Баҳийя.- Б.283.

⁴⁴ Баззоз–(арб.) газлама сотувчи, газламачи маъноларини англатади.

⁴⁵ ал-Фатово ал-Баззозия. – Ж. 1-2. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя. 2009.

⁴⁶ Юзева А.Н. Очерки Марджани. – Стр. 46.

⁴⁷ “ал-Важиз” асари “Фатово ҳамида”нинг хошиясига ёзилган. Бугунги кунда асар тошбосма нусхасининг биринчи жилди Тошкент ислом университетининг “Манбалар хазинаси”да 119 рақами остида сақланмоқда. Асарнинг иккинчи жилди эса, 112 рақами остида сақланмоқда. Асарнинг учунчи жилди 157 рақами остида сақланмоқда; Собрание восточных рукописей. – Т.: – Фан. –1975. - Б.181-182.

⁴⁸ Ал-Аълум. – Ж. 7. – Б. 45.

⁴⁹ Юзева А.Н. Очерки Марджани. – Стр. 46.

⁵⁰ Лакнавий. Ал-Фавоид ал-Баҳийя. - Б. 332.

шогирдларига дарс берганлиги ҳақида ёзилган⁵¹. Бу ўз навбатида Муҳаммад Кардарий ислом ҳуқуқшунослигининг ҳанафийлик мазҳабида масалаларнинг ҳуқуқий даражасига кўра биринчи ва иккинчи даражали масаларга оид ёзилган ишончли манбалардан фойдаланганлигини кўрсатади.

806 / 1403 йили Қримдан ўз юрти Хоразмга қайтиб келиб, кейинроқ Рум диёри (Туркия)га сафар қилади. У ерда Шамсуддин ал-Фанорий билан мунозара ўтказади. Олимларнинг таъкидлашларича, у ақлий ва нақлий билимларда моҳир бўлганлиги учун мунозарада ғолиб чиқади⁵².

Муҳаммад Кардарийнинг отаси ҳам илк устозининг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Шихоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Аҳмад Носируддин ал-Кардарий бўлиб, фуруъ, усул ва мантиқ илмларини яхши билган ва шу илмлардан дарс берган. Фикҳ илмини “ал-Кифая шарҳ ал-Ҳидая” асарининг муаллифи Саййид Жалолиддин ал-Карланийдан илм ўрганган⁵³.

Маълумки, Абу Ҳанифанинг фикҳий мактаблари райга асосланган бўлиб, китобда ҳам унга кенг ўрин берилган. Шунингдек, Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида ҳам масалаларни ечишда киёс ва истехсондан унумли равишда фойдаланилганлигини кузатиш мумкин.

Асарда, Рум томонидан хавф бўлган вақтда, буни эшитган ҳамма кўчиши шарт. Узрлик ҳолатлардан ташқари ҳолларда қолиш жоиз эмас⁵⁴, дейилган. Бу олим яшаган даврда Рум томонидан хавф мавжуд бўлганлигини англатади. Бу борада тузукларда қуйидагича келтирилади: “Чунончи Ҳиндистонни забт этган вақтимда Рум қайсари менинг баъзи мамлакатларимга чопқун қилгани, гуржилар бўлса ўз юртлари чегарасидан ташқари чиқиб, менинг лашкарларим қамал қилиб турган баъзи қалъаларга ёрдам бераётгани ҳақида хабар келтирдилар. Ўз - ўзим билан кенгашиб, агар Ҳиндистонда кўпроқ туриб қолсам, Эрон мамлакатада тартибсизлик бошланиши мумкин, дедим. Шунинг учун Ҳиндистон пойтахтидаги

⁵¹ Юзеева А.Н. Очерки Марджани. – Стр. 46.

⁵² Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. - Б. 232.

⁵³ Лакнавий. Ал-Фавоид ал-Баҳийя.- Б. 283.

⁵⁴ Ал-Фатово ал-Баззозия. – Ж. 2. - Б. 429.

ишларимни тезда тартибга келтириб, юриш бошладим. Йўлда бир неча кун Мовароуннахрда тўхтадим. У ердан Рум ва Гуржистон томон йўл олдим. Ўша мамлакатларнинг барисини забт эттим”⁵⁵.

Тарихдан бизга маълумки, Амир Темур Ҳиндистонга 1398 йили юриш қилган. 1381 йилда Ҳиротни эгаллаш билан Рум томонга юришлар бошланган эди. Сабаби, Ҳирот Рум билан Мовароуннахр ўртасида кўприк вазифсини ўтарди. 1403 йилда эса Румнинг турклар босиб олган жойлари эгаллаб бўлинган эди. 1405 йилга қадар Рум томонидан хавф бўлмаган.

Бу бир томондан, олимнинг 1381-1405 йиллар орасида темурийлар салтанатида яшаганини англатса. Иккинчи томондан, олим асарини 1403 йилдан олдин ёза бошлаганини кўрсатади. Сабаби, Рум томонидан кузатилган хавф 1403 йилда Амир Темур томондан бартараф этилган эди. Бу тинчлик ҳолати Амир Темурнинг вафот этган йили, 1405 йилгача давом этган. Манбаларда олим ўзининг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарини Рум диёрига боришидан олдин ёзиб тугатганлиги ҳақида ёзилган⁵⁶. “ал-Фатово ал-Оламгирия” асарида келтирилишича, Муҳаммад Кардарий “ал-Фатово ал-Баззозия” асарини 812 / 1409 йили ёзиб тугатган⁵⁷.

Бу каби ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларни ўз ичига қамраб олган “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида юртимиз тарихи ва ислом ҳуқуқшунослигига оид керакли маълумотлар келтирилган. Бугунги кунда асарнинг тошбосма ва қўлёзма нусхалари юртимизда ва жаҳондаги турли қўлёзма кутубхоналарида сақланмоқда, жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети Манбалар хазинасида 3 қисмга бўлиб, жами 6 жилддан иборат бўлган “ал-Фатово ал-Оламгирия” асари тошбосма нусхаси 4-, 5-, 6-жилдларининг хошиясига ёзилган. Мазкур тошбосма нусхалар 119-, 112-, 157-рақамлари остида сақланади;

⁵⁵ Темур тузуклари. - Б. 121.

⁵⁶ Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. – Б. 233.

⁵⁷ Ал-Фатово ал-Оламгирия. – Ж.4. ТИУ Манбалар хазинаси. №119.

2. Искандария кутубхонасининг қўлёзмалар сақланадиган махсус қисмида асарнинг қўлёзма нусхаси Б428 / 1608 рақами остида сақланади;

3. Яман Қўлёзмалар Кутубхонасида асарнинг қўлёзма нусхаси 1368-рақам остида сақланади;

4. Кувайт қўлёзмалар кутубхонасида асарнинг қўлёзма нусхаси 2885-рақам остида сақланади;

5. Рим кутубхонасининг қўлёзмалар бўлимида асар MSS 2313 рақами остида сақланади.

Манбаларда Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари Яқин Шарқга 1516-17 йилларда Туркия орқали тарқалгани ҳақида маълумот берилган⁵⁸.

Бундан ташқари олимнинг қуйидаги асарлари мавжуд:

1. “ал-Манақиб ал-Кардарий”;
2. “Мухтасар фи байан таърифат ал-аҳкам”;
3. “Адаб ал-қозий”.

Мазкур асарлардан бизгача етиб келгани, “ал-Манақиб ал-Кардарий” асари бўлиб, асарнинг тўлиқ номланиши “Манақиб ал-имом ал-аъзам Аби Ҳанифа” бўлиб, бу асар Абу Ҳанифа ҳақидаги манбалардан иборат бўлиб, жуда машҳур ва мақбул китоблардан ҳисобланади. Кўпгина муаллифлар ўзларининг китобларида, жумладан, имом Абу Заҳро ушбу асарда келтирилган Абу Ҳанифа ҳақидаги маълумотлардан фойдаланганлар.

Китоб муқаддима ва ўн бир бобдан ташкил топган. Муқаддима саҳоба ва тобеъинлар ҳақида, биринчи бобда Абу Ҳанифа ҳақида, иккинчи бобда Имом Абу Юсуф ҳақида, учинчи бобда Имом Муҳаммад ҳақида, тўртинчи бобда Абдуллоҳ ибн Муборак ҳақида, бешинчи бобда Имом Зуфар ҳақида, олтинчи бобда Довуд ат-Тоий ҳақида, еттинчи бобда Вакиъ ибн ал-Жарроҳ ҳақида, саккизинчи бобда Ҳафс ибн Ғиёс ҳақида, тўққизинчи бобда Яҳё ибн Закариё ҳақида, ўнинчи бобда Ҳасад ибн Зиёд ҳақида, ўн биринчи бобда Абу ханифанинг бошқа шогирдлари ҳақида маълумот берилган. Бу асар Туркия ва

⁵⁸ http://www.library.yale.edu/neareast/exhibitions/Islamic_book2.html

бошқа ерларда жуда машхур бўлган⁵⁹. Асарнинг 1321 / 1903 йили Хадарободда “Даират ал-Маъариф” нашриётида чоп этилган⁶⁰.

“ал-Фатово ал-Баззозия” асарида олим Хоразм шайхларининг фатволарига кўшилган (Кархийнинг Мухтор асарида фатволари келтирилган мутааххиринлардан фарқли ўлароқ). Асарнинг баъзи жойларида форс тилидаги жумлаларнинг келтирилиши, айниқса, Соҳиби Муҳит хоразмлик фақиҳнинг фатвосидан далил сифатида келтирилган наmunанинг форс тилида назм усулида ёзилганлиги, Хоразмда форс тилининг расмий ва оммабоп тил эканлигини, адабиётнинг Хоразм худудида кенг тарқалганлигини кўрсатади.

Муҳаммад Кардарийнинг дунё қараши, фикларинининг ифодасини унинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида кўришимиз мумкин. Асарда олим Сарахсий, Абул-лайс ас-Самарқандий, Имом Насафий Самарқанд, Бухоро ва Хоразмнинг ҳанафий мазҳабидаги фақиҳларининг фатволарига кўшилиши олимнинг ҳанафий мазҳабида эканлигидан далолат беради. Бу борада кенгроқ тасаввурга эга бўлиш учун қуйида мазкур олимларнинг ҳаёт-фаолиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Аҳмад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий Туркменистоннинг Сарахс шаҳрида дунёга келган, туғилган йили номаълум. Тўлиқ исми Шамулаимма Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий бўлиб, у машхур исломшунос - фақиҳдир. У яшаган даврда қорахонийлар (927 - 1212) сулоласи ҳукмронлик қиларди.

Муҳаммад болалигидан илмга қизиққан ва ўткир зеҳнли бўлган. Сарахсда бошланғич таълимни олиб, Қуръони каримни тўлиқ ёд олган, ҳадис, сарфу наҳв (грамматика), балоғат илмларини эгаллаган. Кейинчалик у Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида, жумладан, Самарқанд ва Бухорода илмини такомиллаштирган. Бухорода узоқ муддат яшаган. Бу ерда Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Аҳмад ал-Бухорийдан (вафоти 448 / 1056 – 1057) фикҳ, усули фикҳ, ҳадис, калом, тафсир илмларидан дарс олиб, замонасининг

⁵⁹ Кашф аз-Зунун. 2-жилд. - Б. 528.

⁶⁰ www.muslimphilosophy.com/html/chp34.doc

етук фикҳ олими бўлиб етишгани учун унга Шамсулаимма (имомлар куёши) унвони берилган ва ас-Сарахсий шу ном билан шуҳрат қозонган.

Имом ас-Сарахсий ҳаётини илмга бағишлаб кўпгина асарлар ёзди. Унинг ҳаётида турли нохушликлар ҳам содир бўлди. Тухматчи - ҳасадгўйлар ҳайит кунида қорахоний ҳкумдори Иброҳимхон шаънига тегадиган ёмон сўзлар билан ас-Сарахсийни қораладилар. Иброҳимхон уни Бухородан Ўзганга сургун қилиб қамоққа олди. Тарихий маълумотларда аллома ўзининг машҳур “ал-Мабсут” асарини қамоқда шогирдларига ёддан айтиб ёздиргани қайд этилган.

Олимнинг асарларидан, илмидан кейинги давр олимларининг ҳам фойдаланганликларини кўришимиз мумкин. Жумладан, Муҳаммад Кардарий ҳам Сарахсийнинг илмидан фойдаланиб, уларни ўзининг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида келтирган. Қуйида бу фикримизга бир мисол келтирамиз: “Бадавлат киши ўзи учун ва кичик ўғли учун қурбон ҳайити куни қурбонлик қилиши мумкин. Аммо катта ўғли учун қурбонлик қилиш мумкин эмас. Ўғлининг ўғли учун қурбонлик қилиш масаласида иккита ривоят бор. Икки Имомдан ривоят қилинади: агар ўғлининг ўғли учун қурбонлик қилмоқчи бўлса, маблағ боланинг отаси ёки васийликдаги кишидан олинади. Муҳаммад айтадики, маблағ додасининг ўзидан олинади.

Сарахсий айтади: шайхларимизнинг баъзилари дейдиларки, фитратга қиёсан ота ёки васийликни олган киши қурбонликнинг маблағини ўзи тўлаши керак”⁶¹.

Ас-Сарахсий ҳаётининг охириги йилларини Балхда ўтказди. Унинг вафот этган йили ҳақида турли маълумотлар бор. Балхлик Сафиуддин ал-Воиз ал-Балхий 1213 – 1214 йили ёзилган “Фазоиلى балх” (“Балх фазилатлари”) асарида аллома 489 / 1093 - 1094 йили Балхда вафот этгани ва Навбахор номли қабристонга дафн қилингани, қабрига ёзилган санани ўз кўзи ибалин кўрганини қайд қилган.

⁶¹ Ал-Фатаво ал-Баззозия. – Ж. 2. – Б. 413.

Ас-Сарахсий кўлида бир неча шогирдлар “фуруъ ал-фикҳ” ва “усул ал-фикҳ” илмини эгаллашган. Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг илк устози бобоси Абу Ҳафс Умар ибн Ҳабиб (вафоти 1141) бўлиб, у ас-Сарахсийнинг иқтидорли шогирдларидан бўлган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Ҳасирий (вафоти 1106 - 1107), Абу Амр Усмон ибн Али ал-Пайкандий (1063 – 1158), Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Умар ал-Моза (вафот 1110 - 1111) кабилар ас-Сарахсий шогирдлари бўлишган.

Фақиҳ ас-Сарахсий илмий мероси ниҳоятда катта, улардан:

1. “Китоб ал-мабсут” – муфассал китоб;
2. “Усул ал-фикҳ” – фикҳ асослари;
3. “Шарҳ китоб ас-Сияр ал-Кабир” – “Катта сийрат” китобининг шарҳи;
4. “Ашрот ас-соъа” – қиёмат шартлари;
5. “Шарҳ китоб ал-Нафақот ли-л-Хассоф” – Хассофнинг “Нафақалар” китобига шарҳ;
6. “Шарҳ адаб ал-қозий” ли-л-Хассоф – Хассофнинг “Қозилик одоби”га шарҳ;
7. “Шарҳ ал-Жомеъ ал-кабир” – катта мажмуага шарҳ;
8. “Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир” – кичик мажмуага шарҳ;
9. “Ал-Фавоид ал-фикҳийя” – фикҳга доир фойдалар;
10. “Китоб ал-ҳайз” – ҳайз китоби;
11. “Шарҳ Мухтасар ат-Таҳовий” – “Таҳовийнинг “Мухтасар”ига шарҳ”.

Ас-Сарахсий асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳанафийлик кенг тарқалган ўлкаларда университет шариат факултетларида ўқитилмоқда. Бу асарларда ислом шариатининг назарий асосларини ишлаб чиқишда буюк ҳисса қўшган Марказий Осиё ва бутун мусулмон оламида ислом маърифатини ёйишда ас-Сарахсий ижодий меросининг таъсири каттадир.

Ўзбек тилида биринчи марта Абдулло Абдусатторовнинг “Шамсулаимма ас-Сарахсий – буюк фақиҳ” номли мақоласи “Имом ал-

Бухорий сабоқлари” журналининг 2001 йил 2-сонида босилиб чиқди. Аллома ҳақидаги юқоридаги маълумотлар шу асосда ёзилди.

Абу Лайс Наср ибн муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий Самарқандда туғилган, йили номаълум ва 985 ёки 1003⁶² йили вафот этган, жойи номаълум. Абу Лайс ас-Самарқандий Самарқандда шайхулисломлик қилган. "Ал-Фақиҳ" ва "Имомул-худо" номлари билан танилган. Ҳикматли сўзлари билан ислом оламида шуҳрат қозонган. Кенг кўламда ижод қилган, унинг асарларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. “Тафсир ал-Қуръон” – тўрт жилдли бўлиб, энг яхши тафсирлардан ҳисобланган;

2. “Хизонат ал-фиқҳ” – Фиқҳ ҳазиналари. Бу мазҳабда ҳанафий мазҳаби ақидалари асосида мусулмон қонуншунослигининг қисқача таърифи берилган. Унинг 1467 ва 1814 йилда кўчирилган икки қўлёзмаси ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда⁶³;

3. “Ан-навозил” – нозил бўлганлар. Бу фатволар ҳақида китобдир;

4. “Китоб мухталиф ар-ривоят” – турли ривоятлар ҳақида китоб;

5. “Бўстон ал-орифин” – орифлар бўстони. Бу ахлоқ ва тарбияга оид муҳим асар. Унда кўп таълим ва тарбияга оид ривоятлар, тарихий воқеалар, ҳикоялар ва ҳадислар келтирилган. Асар 159 бобдан иборат бўлиб, унинг илм ўрганиш, салом бериш, ақл ҳақида айтилган нарсалар, овқат ейиш қоидалари, ичимликлар, табобат, илм ва адаб фазилатлари каби боблар, айниқса, диққатга сазовордир. Асарнинг 1814 йил ва 1815 йил ёзилган қўлёзмалари ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда⁶⁴;

6. “Танбех ал-ғофилин” – ғофилларга танбех. Асар 94 бобдан иборат бўлиб, ота-онанинг бола олдидаги ҳуқуқлари, боланинг ота-она олдидаги ҳуқуқлари, шароб ичишдан қайтариш, ёлғон сўзлашдан қайтариш, ҳасад, етимларга хайру саҳоват, раҳм-шафқатли бўлиш, касбнинг фазилатлари каби боблари ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. “Танбех ал-ғофилин”нинг 1800 –

⁶² Ислом энциклопедияси. - Б. 11.

⁶³ ЎзРФА Шарқшунослик институти. – №. 5767 / 1, 3211 / VIII.

⁶⁴ ЎзРФА Шарқшунослик институти. – №. 2436, 2685 / 1.

1826 йиллардаги Бухоро амири Ҳайдар топшириғи билан 1810-йил кўчирилган ва 1873-йил кўчирилган қўлёзмалари ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда⁶⁵. Бир қанча тошбосма нусхалари ҳам бор.

Абулбаракот Ҳафизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий Насаф ҳозирги Қарши шаҳрида туғилган, йили номаълум ва 1310-йили вафот этган, жойи номаълум. Аллома Насафда таҳсил олган, яшаб ижод этган. Ҳаётининг сўнгги йилларида эса Бағдодца мударрислик қилган ва ўша ерда вафот этган⁶⁶. Унинг асарларидан қуйидагилар бизга маълумдир:

1. “ал-Вофий” – вафодор. Фикҳга бағишланган мўътабар китоблардан бўлиб, унга Насафийнинг ўзи “ал-Кофий шарҳ ал-Вофий фил-фуруъ” – “Фикҳ шохобчалари масаласида “ал-Вофийни” шарҳлашда кифоя қилувчи” номи билан шарҳ ёзган. Бунинг бир қўлёзмаси ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда⁶⁷;

2. “Мадорикат-танзил” – “Нозил қилиш сабаблари” номли тафсир китоби ҳам машҳур. Уни таълиф этишда имом Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсиридан истифода қилган⁶⁸. Насафийнинг тафсири ҳозиргача уламолар ва илми толиблар ўртасида шуҳрат топиб келмоқда ва ундан ислом ўқув юртларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

3. “Манор ал-усул фи фусул ал-фикҳ” – “Фикҳ фасллари ҳақида асослар машъали”. Бир нусаха ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда⁶⁹;

4. “Канз ал-дақойиқ фи-л-фуруъ” – “Фикҳ шохобчалари асосларини шарҳлашда нозик тафсилотлар”. Мусулмон ҳуқуқшунослиги асослари, ҳанафийлик ва шофиъийлик мазҳабларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги бу рисола Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаммод ал-Ирди Кермоний

⁶⁵ ЎзРФА Шарқшунослик институти. – №. 2427 / 1, 8708 / 1.

⁶⁶ Ислом энциклопедияси. - Б. 183.

⁶⁷ ЎзРФА Шарқшунослик институти. – СВР . IV. 3183.

⁶⁸ Ислом энциклопедияси. - Б. 183.

⁶⁹ ЎзРФА Шарқшунослик институти. – СВР . IV. 3181.

томонидан форс тилига таржима қилинган⁷⁰. Бу асар қўлёзмасининг бир нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда⁷¹;

5. “ал-Мустафо шарҳ фикҳ “ан-Нофиъ” – “Фойдали фикҳ”ни шарҳлашда мукамал китоб”. Мазкур асар Носируддин Абулқосим Самарқандийнинг (вафоти 1167) “Фикҳ ан-нофиъ” асарига ёзган шарҳидир. Асарнинг қўлёзма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланади⁷².

Сарахсий ва Самарқандий ҳақида ёзилади.

Бундан ташқари, Муҳаммад Кардарийнинг Имом Зоҳид ас-Саффордан келтирилган қуйидаги фатволарни келтириши, олимнинг ҳанафийлик мазҳабидаги тўғри карашларга эга бўлган фақиҳлардан эканлиги, турли фитна ва фирқаланишларнинг тарафдори эмаслигини кўрсатади.

Аллоҳ ғзабининг мавжудлигини инкор этишлари ҳамда киши ўз амалининг яратувчиси, деган даъволари билан қадарийлар кофир бўладилар.

Муътазила қавми Аллоҳ нарсаларнинг аслини кўрмайди, деган фикри билан кофирдир.

Хорижийларнинг кофирлигига барча имомларнинг хорижийларни куфрда эканликларини бир овоздан айтганликлари етарлидир. Шунингдек, Усмон ибн Аффон, Али ибн Аби Толиб, Талха, Зубайр ва Оишалар ҳам хорижийларни кофир, деб ҳукм қилганлар.

Кайсонийлар ўзларининг наслларини Аллоҳдан деганлари учун кофир бўладилар.

Равофизийлар ўликларнинг дунёга қайтиши, руҳларнинг айни кўринишда бошқа руҳларнинг шаклланиши, илоҳий руҳларнинг имомларга кўчиб ўтиши имомларнинг илоҳ эканликлари, ҳақиқий нотик имомнинг ҳақиқатан ва унинг чиқишига буюриш ва қайтаришнинг бўлиниши, пайғамбар Жаброилнинг ваҳйни Али ибн Аби Толибга олиб тушиш ўрнига, адашиб пайғамбар Муҳаммадга олиб тушганлиги ҳақидаги ҳукми муртадлар ҳукмидир.

⁷⁰ Ислом энциклопедияси. – Б. 183.

⁷¹ ЎзРФА Шарқшунослик институти. – СВР . IV. 3185.

⁷² ЎзРФА Шарқшунослик институти. – СВР . IV. 3184.

Умар ибн Хаттобнинг халифалигини инкор этган киши кофирдир⁷³.

Язидийларнинг араб бўлмаган халқлардан пайғамбар кутишлари ва пайғамбар Муҳаммаднинг динини инкор этишлари билан кофир бўладилар.

Нажжорийлар Аллоҳнинг сифатларини инкор этишлари ва ёзилганлиги, кўрилганлиги, ўқилганлиги учун Қуръонни жисм дейишликлари билан кофир бўладилар.

Муҳаммад Кардарий кенг дунё қарашга эга бўлган олим сифатида ислом динининг аслига, моҳиятига зид бўлган ақидавий қарашларни иддао этадиган, ҳаддидан ошган кишиларнигина куфрда айблаган. Олим дейди: “Агар ораларида (юқоридаги оқимлар каби) бидъатчи (ислом динининг моҳиятига зид бўлган нарсаларни кашф қилувчи) кишини билсалар, уни тўғри йўлга чорласинлар. Агар бидъатчи даъват қилувчи бўлса, уни инкор этсинлар. Агар бунга қодир бўлмасалар, уни ҳокимнинг амрига топширсинлар, токи уни мамлакатдан сургун қилсинлар”⁷⁴ дейди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан, асрлар давомида Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекисон ҳудуди ҳанафийлик мазҳабининг тарқалиш ва ривожланиш ҳудудларига айланиб, Мовароуннаҳр фақиҳлари ушбу мазҳабнинг вакиллари ва ҳомийлари сифатида ўз илмий ва амалий ижодлари билан унинг ривожини йўлида буюк хизматлар қилиб келганлар. Ана ушлар қаторида Муҳаммад Кардарий ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Иккинчидан, олимнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари ўзида “зоҳир ар-ривоя” ва “Наводир” асарларида олимларнинг келтирилган фикрларининг сараларини, яъни, долзарблаори ҳамда энг ишончлиларини мужассам этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Учинчидан, буюк олим, фақиҳ Муҳаммад Кардарийнинг дунёқарашида асарида ҳанафийликка хос бағрикенглик тамойиллари акс этган.

⁷³ Шиалик ва ундаги оқимлар Умар ибн Хаттобнинг халифалигини инкор этадилар.

⁷⁴ Ал-Фатово ал-Баззозия. – Ж. 2. – Б. 440.

2.1. “ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг таркибий тузилиши

Ватанимизнинг мустақилликка эришуви тарихимизни ўрганишга, унга холисона фикр билдиришга, маънавиятимизга, кадриятларимизга тамоман соғлом кўз билан назар ташлаш имконини берди. Бой ислом тарихи ва маданиятига, маънавий меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, муқаддас динимизга оид анъаналарнинг ўрганилиши ва қайта тикланиши халқимиз маънавий-маърифий юксалишида муҳим омиллардан бирига айланди.

Ҳозирги даврда динни тўғри англашда, ислом динининг асл инсонпарварлик, бағрикенглик ғояларини очиб беришда, уларни халқимизга соф ҳолда етказишда алломаларимизнинг асарлари муҳим ўрин тутди. Бугунги миллий, диний кадриятларимизнинг тикланиш даврида маънавий-маърифий бойлигимиз бўлмиш алломаларимиз илмий меросларини ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Юртимиздан етишиб чиққан кўплаб фозил уламолар калом, ҳадис, фикҳ, риёзат, фалсафа каби илмларни янада бойитиб, юксак пағоналарга олиб чиқдилар.

Шундай олимлардан бири, Муҳаммад Кардарий ҳам ўз даврида сермахсул ижод қилиб, бир неча асарлар ёзган. Унинг асарларидан бизгача етиб келгани “ал-Фатово ал-Баззозия” асари бўлиб, мазкур асар ислом ҳуқуқи тарихи, темурийлар тарихига оид қимматли маълумотлар бериши билан бирга, асарда қатор долзарб масалалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Фатво (араб. - тушунтириш, изоҳ, ҳукм, қарор) - исломда муфти ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Ислонинг дастлабки даврида Пайғамбар Муҳаммад сафдошлари, айниқса, дастлабки тўрт халифа (чаҳорёрлар)нинг турли ҳуқуқий масалалар юзасидан берган изоҳлари, шунингдек, уларнинг фикҳга доир чиқарган қарорлари фатво, деб айтилган. Фатво барча диний-ҳуқуқий мазҳаб асосчилари томонидан фикҳга оид кўшимча манба сифатида қаралган. Ҳуқуқий масалаларда берилган фатво диний жамоалар, муассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши

мажбурий ҳисобланади. Фатво Қуръон, ҳадислар ва шариатга ёки илгари берилган фатволарга асосланиб чиқарилади.

Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари ҳақида тўхталар эканмиз, аввало фатво туркумига кирувчи асарлар тарихига назар солиш ва ҳанафий мазҳабининг кўзга кўринган олимлари Шамс ал-Аимма ас-Сарахсий (вафоти 481 / 1087 - 88, Балх) ва Фахр ал-Ислом ал-Баздавий (482 / 1089, Кеш)ларнинг қилган ишларини эслаб ўтиш жоиз. Бу икки олим бир даврда яшаган бўлиб, улар томонидан анъанавий руҳдаги фикҳий манбалар ва услублар яратилган ва улар асосида аниқ қарорлар (фатволар) қабул қилинади. Ушбу икки олимнинг асарлари Мовароуннаҳрдаги кейинги давр фикҳ илмининг ривожини белгилаб берди. Фатволарнинг фикҳ ривожидида тутган ўрни ва фикҳий қоидаларнинг ҳудудий шароитга қараб мослашуви жуда муҳим ҳисобланади.

Маълумки, камраб олинган масалаларнинг ҳуқуқий даражасига кўра ҳанафий мазҳаби масалалари 3 турга бўлинади:

1. Зоҳир ар-ривоя, усул;
2. Нодирур-ривоя;
3. Воқеот, Навозил, Фатволар⁷⁵.

“Зоҳир ар-ривоя” асарлари ҳанафийлик фикҳида мурожаат қилинадиган асосий манбалари бўлиб, “Зоҳир ар-ривоя” мазҳаб асосчиларидан тўғри ва ишончли йўл билан ривоят ҳамда нақл қилинган масалалар тўпламидир. Шу сабабли ҳам уламолар аввалдан ушбу китобларга катта эътибор қаратганлар, уларни шарҳлаганлар, улардаги усулларни аниқлаганлар, масалаларини фуруўларга ажратганлар⁷⁶. Ушбу асарларни бир китобда жамлашга уриниш кўп бўлган. Имом Муҳаммад Шайбоний (749 - 805)нинг муҳим асарлари “ал-Усул” ёки “Зоҳир ар-ривоя” деб аталган олтига фикҳий асар бўлиб, қуйидагилардан иборат:

⁷⁵ Сарсенбаев О.Б. Фикҳ китобларининг ёзилиш шаклининг ўзига хос хусусиятлари/Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. (Бундан кейин Сарсенбаев О.Б.) – Т. – 2007. - Б. 48.

⁷⁶ Муҳаммад Абу Заҳра. Абу Ҳанифа: ҳаятуху ва асруху, арауху ва фикҳуху. – Байрут: Дар ал-Фикр ал-арабий. 1945. – Б. 244.

1. Ал-Мабсут;
2. Зиёдот;
3. Ал-Жомиъ ал-Кабир;
4. Ал-Жомиъ ас-Сағир;
5. Ас-Сийар ал-Кабир;
6. Ас-Сияр ас-Соғир.

“Зоҳир ар-ривоя” китобларини ал-Ҳоким аш-шаҳид (вафоти 945) ўзининг “ал-Кофий” номли китобида тўплади, ундан кейин Шамсу-л-аимма Имом ас-Сарахсий (вафоти 1096) ўзининг “ал-Мабсут” номли китобида “ал-Кофий”ни шарҳлади⁷⁷.

Наводир эса мазҳаб асосчиларидан ишончли йўллар иблан нақл қилинмаган масалалар тўплами. Имом Муҳаммаднинг “Кайсонийёт”, “Журжонийёт”, “Ҳорунийёт”, асарлари, Имом Абу Юсуфнинг “ал-Амолий” асари, Ҳасан ибн Зиёднинг “ал-Мужаррад” асарида олинган масалалар навадир масалалари, дейилади. Яна Ибн Самоъа (вафоти 847), Ибн рустам (вафоти 826) каби зотлар “Наводир” асарларини таълиф қилишган⁷⁸.

Воқеот (навозил, фатволар) эса мазҳаб асосчиларидан нақл қилинмаган масалалар бўйича кейинги давр олимларининг фатволари тўпламидир. Бундай китоблар Имом Аъзам, Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийдан ривоят қилинмаган, лекин уларнинг энг охирги асҳоблари ёки асҳобларининг шогирдлари тартиблаб берган фатволардир. Улардан энг аввалгиси Абул-Лайс ас-Самарқандий (вафоти 896)га тегишли. У ўз “Воқеот”ида устозлари, устозларининг шайхлари Муҳаммад ибн Муқотил (вафоти 862), Муҳаммад ибн Салама (вафоти 847), Наср ибн Яҳё (вафоти 268 / 881) каби зотларнинг фатволарини жамлашга ҳаракат қилган. Кейинчалик шундай асарлардан ан-Нотифий (вафоти 1050)ни ва Садруш-шаҳид (вафоти 1141)нинг асарлари пайдо бўлди. Фикҳий асарларимизда мутлақ машҳур “Воқеот”дан деб келтирилган масалалар ҳанафийлик мазҳабининг машҳур фақиҳларидан бири

⁷⁷ Жузжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. – Б.162 - 163.

⁷⁸ Сўфи Оллоёрнинг “Маслакул-муттақин” асарига тузилган изоҳлардан олинди. Уни Ҳамдулла Амин тузган. (Бундан кейин: Сўфи Оллоёр. Маслак ал-Муттақин). Қаранг: Сўфи Оллоёр. Маслакул - муттақин. – Т.: Мовароуннаҳр. 2008. – Б. 368.

Абул Аббос Аҳмад ибн муҳаммад ан-Нотифий (вафоти 1051)нинг асаридан олинган бўлади⁷⁹.

Албатта фатволарнинг мартабаси усул ва наводирнинг мартабасидан паст ҳисобланади. Чунки усул ва наводирлар мазҳаб соҳибларининг қавлларидир. Фатво ва воқеъотлар эса уларнинг қавллари асосида уларнинг издошлари ечган масалалар ҳисобланади. Фатава туркумига кирувчи манбаларда кейин келган мужтаҳидлар мазҳабнинг аввалги мужтаҳидларидан ривоят келмаган масалаларда ўзларидан савол сўралганда берган жавоблари йиғилган бўлади. Масалан Абу Юсуф ва Муҳаммад ҳамда улардан сўнг келганларнинг издошлари.

Мазкур китоблардан ташқари бошқа фикҳий китобларни ҳам 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Матнлар;
2. Шарҳлар ва хошиялар;
3. Фатволар.

Матнлар “Зоҳир ар-Ривоя” ва “Наводир”да нақл қилинган масалаларга асосланган ҳамда ихтилофлар мавжуд бўлган бошқа ўринларда таржиҳ (бирор масалага аниқлик киритиш) қилинган масалалар тўпламидир матнлар мазҳаб доирасида кодекс ёки қонун вазифасини бажарган.

Матнларнинг шарҳлари эса муайян матнни “Зоҳир ар-ривоя”, “Наводир” ва бошқа матнларга солиштириш, таржиҳ қилинган масалаларни илмий таҳлил қилиш, урф ва бошқа асосда янги киритилган нормаларни таҳлил қилиб асослаш, мазҳабга молигини аниқлаштириш ва матнни бойитишга қаратилган манбалардир.

Фатволар эса давр ва ҳудуд нуқтаи назардан янги юзага келган масалалар юзасидан усул, наводир, матн, шарҳ ва хошияларга асосланиб, баъзи ривоятларни таржиҳ қилиш асосида, баъзан усул ёки наводирдаги масалалардан таҳриж қилиш асосида ҳатто фақиҳ ўз шахсий илмий

⁷⁹Сўфи Оллоёр. Маслак ал-Муттақин. – Б. 358.

салоҳияти асосида урфга эътибор берган ҳолда чиқарилган шариат нормалари мажмуасидир⁸⁰.

“ал-Фатово ал-Баззозия” асарида Имом Шофёрийнинг фикрларининг келтирилиши асарни қиёсий ҳуқуқшунослик билан ҳам характерлайди.

Дастлабки тўпламлар ягона ёки бир гуруҳ фақиҳларнинг фатволарини ўзида жамлаган бўлиб, улар “зоҳир ар-ривоя” ва “ғойр зоҳир ар-ривоя” даражасига кирмаган. натижада машҳур тўпламлар орасидан олинган фатволар асосида янги тўпламларни яратиш жараёни бошланди ва янги фатволар билан эски фатволар аралашиб кетди. Шу сабабли бир ёки бир гуруҳ олимларнинг фатволарини йиғиш жуда катта меҳнатни талаб қилар эди. шу каби асарлардан бизгача етиб келгани Абу-л-Лайс Самарқандийнинг “Фатаво” асаридир. XIV - XV асрларда эса фатволарни тўплаш имкони кенг эди. Муҳаммад Кардарий ўзининг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида Абу-л-Лайс Самарқандий, Сарахсий, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Хуросоний, Имом Насафий каби фақиҳларнинг бир неча мавзуларга оид фатволарини келтирган.

Муҳаммад Кардарийнинг фатволар туркумига кирувчи “ал-Фатово ал-Баззозия” асари 51 та боб ва 284 фасллардан иборат бўлиб, бобларни соҳаларга қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ижтимоий соҳа – 32 та боб;
2. Иқтисодий соҳа – 11 та боб;
3. Ҳуқуқий соҳа – 8 та боб

Асар “Китаб ат-Таҳара” (“Таҳорат китоби”) билан бошланиб, “Китаб ал-Фароиз” (“Фарзлар китоби”) билан якунланади. Асарда ижтимоий соҳага оид “Таҳорат” бобининг биринчи боб ўрнида келтирилиши муаллиф покликни инсоният турмуш тарзининг бирламчи қисми сифатида эътироф этишини кўрсатади.

⁸⁰ Сарсенбаев О.Б. – Б, 48.

Иқтисодий соҳада 11 та бобнинг ёзилиши, хусусан, савдо - сотиқ, ижара, сармоя, ширкат каби бобларнинг асарда ўрин олиши салтанат иқтисодиётининг кенг тармоқда ривожланганини кўрсатади.

Асарнинг 62% ижтимоий соҳага, 22% иқтисодий соҳага, 16% ҳуқуқий соҳага оид мавзуларда ёзилганлигидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, муаллиф яшаган даврда Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд бўлган темурийлар салтанати давлат бошқаруви тизимида ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий соҳалар етакчи омил ҳисобланган ва бир-бирини тўлдирган ҳолда тараққий этган.

Асарда илм, инсон қалби, ижтимоий ҳимоя, инсон ҳаёти хавфсизлиги, ижтимоий адолат, ақидавий масалалар ва бошқа бугунги кунимизгача долзарб бўлиб келган масалалар келтирилган. Бу ҳақида кейинги бобимизда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, темурийлар даврида бошқа соҳалар қатори илм – фан, маданият ҳам ривожланган. Бундай шароит олимларнинг кенг кўламга ижод этишларига имконият яратган. Буюк олим, фақиҳ Муҳаммад Кардарий ҳам мавжуд имкониятдан фойдаланиб сермахсул ижод этди. Олим ёзган асарларидан, “ал-Фатово ал-Баззозия асари”да Нас билан бирга ҳанафийлик мазҳабидаги буюк фақиҳларнинг сара фатволари жамланган бўлиб, мазкур фатволар долзарблилиги ишончилиги билан ўз даврининг муҳим манбаларидан ҳисобланган бўлса, асарда келтирилган долзарб масалалар, тарихий вазиятлар бугунги кун учун аҳамиятлидир.

2.2. Асарда кўтарилган долзарб масалалар

Юқорида таъкидланганидек, темурийлар салтанати ўз даврининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривож топган ҳудудга айланган эди. Бу давр олимлари ўз соҳаларига оид қатор изланишлар олиб бориб, ўзларидан бой илмий мерос қолдирдилар. Жумладан, Муҳаммад Кардарий ҳам ўзининг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида турли соҳалардаги долзарб масалалар ҳақида ёзиб қолдирган. Шулардан баъзиларини қуйида келтириб ўтамиз:

Инсон қалби борасида:

Асарнинг Намоз боби ният масаласини ўз ичига олиб, бу борада қалбга асосий эътибор қаратилади. Бунга мисол тариқасида ибодат қилувчининг ҳолати келтирилади. Масалан, бир киши бомдод намозини ўқишга қалбида ният қилса-ю, тилида адашиб “пешин” намозининг ниятини айтса, унинг дилидаги нияти қабул бўлади⁸¹. Ушбу ёндашувдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инсон авваламбор қалбини поклаши, ниятини яхши қилиши лозим. Шундагина унинг айтган сўзи ва қилган ишидаги баъзи хато - камчиликлар кечирилиши мумкин.

Илм борасида:

Азал - азалдан ота - боболаримиз ўз фарзандларини илмга ундаб келишган. Чунки улар маънавиятни юксалтиришда илмни асосий омил деб билганлар.

Буюк бобоколониимиз Амир Темур ва унинг авлодлари илм-фан ва маданият жамият учун озуқа эканлигини яхши билиб, унга амал қилганлар ва бунинг маҳсули сифатида биз салтанатдаги тараққиёт, хусусан, маънавий-маърифий соҳадаги юксалишни кўришимиз мумкин.

“ал-Фатово ал-Баззозия”асарида илмга нисбатан бефарқлилик яхши эмаслиги ва илм Аллоҳ суйган бандаларигагина берилиши⁸², айтилган.

⁸¹ ал-Фатово ал-Баззозия. – Ж. 1. - Б. 35.

⁸² Ўша асар. – Ж. 2. - Б. 456.

Ижтимиоий ҳимоя борасида:

Ижтимоий ҳимоя муҳтож ва ночорларни турли ҳаёт қийинчиликлари қийнаган пайтда уларнинг моддий эҳтиёжларини: озиқ - овқат, кийим - бош, бошпана, дори - дармон ва бошқалар билан таъминлашни ўз ичига қамраб олади.

Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг дастурруламали бўлиб келган. Шу боис, биз қураётган демократик жамиятда ислом алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмоқда. Исломда ижтимоий ҳимоя закот, садақа, эҳсон, вақф каби кўринишларда намоён бўлади.

Закот бой мусулмонлар молидан жамиятнинг ночор табақаси фойдаси учун белгиланган ҳақлари ҳисобланиб, у эҳтиёжмандлар, боқувчиси йўқлар, қаровчиси йўқларга белгиланади. Темурийлар даврида ҳам ижтимоий ҳимоя закот, садақа, эҳсон, вақф каби кўринишларда намоён бўлган. Мисол сифатида бу ҳақида “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида қуйида кўришимиз мумкин:

Ҳаж китобида, ихтиёрий, яъни фарз ҳисобланган 1 марталик ҳажни адо этиб бўлиб, яна ҳажга боришдан садақа қилган афзалдир⁸³, дейилади.

Инсон ҳаёти хавфсизлиги борасида:

Тинчлик – бебаҳо бойлик, Она юртинг омон бўлса, рангу - рўйинг сомон бўлмас, каби оқил халимизнинг доно нақллари бежиз айтилмаган. Зеро, инсон тинчликда, саломат ҳолатдагина фаровон ҳаётга эришиши мумкин. Шунинг учун ҳам, эртасини ўйлаган ҳар бир давлат ўз юртининг тинчлигини, хавфсизлигини таъминлашга доимо интилади. Аксинча эса, халқ, жамият маълум манфаатпараст тоифаларга мутеъ, қарам бўлиб қолади. Натижада эса, улар ўз мустақиллиги, тили, маданияти, тарихи ва бошқа қатор маънавий, моддий бойликларидан маҳрум бўладилар. Шундай экан, давлат хавфсизлигини баҳоли имкон таъминлаш жамиятнинг ҳар бир аъзоси,

⁸³ ал-Фатово ал-Баззозия. – Ж. 1. - Б. 97.

фуқаролар учун олий бурчдир. Темурийлар салтанатида инсон ҳаёти, жамият хавфсизлиги фақиҳларнинг фатволари билан мустаҳкамланган.

Бу борада олимнинг асаридан қуйидаги мисолларни кўришимиз мумкин: Ҳаёт учун хавfli бўлган машаққат кутиладиган бўлса, мухтор уламолар садақани ҳаждан афзал, деб билишган⁸⁴.

Асарда яна, Рум томонидан хавф бўлган вақтда, буни эшитган ҳамма кўчиши шарт. Узрлик ҳолатлардан ташқари ҳолларда қолиш жоиз эмас⁸⁵, дейилган. Бу олим яшаган даврда Рум томонидан хавф мавжуд бўлганлигини англатади. Бу борада тузукларда қуйидагича келтирилади: “Чунончи Ҳиндистонни забт этган вақтимда Рум қайсари менинг баъзи мамлакатларимга чопқун қилгани, гуржилар бўлса ўз юртлари чегарасидан ташқари чиқиб, менинг лашкарларим камал қилиб турган баъзи қалъаларга ёрдам бераётгани ҳақида хабар келтирдилар. Ўз - ўзим билан кенгашиб, агар Ҳиндистонда кўпроқ туриб қолсам, Эрон мамлақатида тартибсизлик бошланиши мумкин, дедим. Шунинг учун Ҳиндистон пойтахтидаги ишларимни тезда тартибга келтириб, юриш бошладим. Йўлда бир неча кун Мовароуннаҳрда тўхтадим. У ердан рум ва Гуржистон томон йўл олдим. Ўша мамлакатларнинг барисини забт эттим”⁸⁶.

Ижтимоий адолат борасида:

Инсоният тарихига аназар солар эканмиз жамиятни адолатли ташкил этиш орзуси ва унинг ҳаётдаги ҳаққоний мавжудлиги ўртасида доимо зиддият мавжуд бўлиб келганлигини кўрамиз. Бунинг асосий сабаби, ҳар қандай жамиятда ижтимоий адолатга турлича ёндашувларнинг мавжуд бўлишлиги, яъни жамият аъзоларининг ижтимоий адолат тушунчасини турлича, ўз манфаатлари ва дунёқарашларидан келиб чиқиб тушинишларидир. Масаланинг долзарблиги туфайли барча даврларда бир қанча таклиф ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар турли кўринишда намоён бўлади. Масалан, темурийлар даврида ижтимоий адолат ўша давр

⁸⁴ Ал-Фатово ал-Баззозия. – Ж. 1. - Б. 97.

⁸⁵ Ўша асар. – Ж. 2. - Б. 429.

⁸⁶ Темур тузуклари. - Б. 121.

талабидан келиб чиқиб, ислом ҳуқуқи асосида тартибга солинган. Шунинг учун ҳам бу давр ижтимоий адолати асосан тарихчилар билан ислом ҳуқуқшуносларининг асарларида намоён бўлади.

Тарихий манбалардан бири, “Темур тузуклари”да бу борада шундай дейилади: “Золимга қарши мазлум додига етдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкиорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтқизмадим”⁸⁷.

Фақиҳлардан, Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг Инсон амалларидаги чегара бобида, зинокор агар қилмишларидан тийилса, ҳибсга олинмайди. Аммо, ўғри қилмишларидан тийилса ҳам ҳибсга олинади. Сабаби, зинокор ўзи учун жабр қилади, ўғри эса, ўзгаларга жабр қилади⁸⁸, деб ёзилган.

Бу бир томондан темурийлар салтанатидаги кечиримлилик ва тўғри йўлдан адашган одамларга хатосини тузатиш имкони мавжуд бўлганлигини англатса, иккинчи томондан ижтимоий адолатнинг шаклланганлигини кўрсатади.

Ақидавий масалалар борасида:

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ислом динига оид қадриятларнинг тикланиш жараёни билан бирга, соф ислом динига зид бўлган қарашларни ҳам киритишга қаратилган ҳаракатлар фаоллашди. Бу каби фирқаларнинг заралари, улар нотўғри йўлда эканликлари ҳақида фикр юритиш тарихдан бугунги кунгача долзарб бўлиб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек: “Фикрга қарши фикр, ғояга фарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этади”⁸⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1993 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида

⁸⁷ Темур тузуклари. - Б. 70.

⁸⁸ Ўша асар. – Ж.2. - Б. 548.

⁸⁹ И.А.Каримов. Юқаск маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: – Маънавият. – 2008. - Б. 119.

сўзлаган нутқида халқаро жинойтчилик, айниқса, унинг ўта хавфли кўриниши ҳисобланган халқаро терроризм ҳамда наркобизнесга қарши курашда дунёдаги тинчликсевар давлатлар кучларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиққан эди.

Жаҳондаги давлатлар тажрибасидан маълумки, диний эътиқод эркинлиги таъминланмаган жамиятда доимо маънавий оқсоқликка дуч келинган. Тоталитар тузум ҳукмронлик қилган собиқ Иттифоқ таркибида камситилган ҳозирги мустақил Ўзбекистон Республикасининг яқин ўтмиши бунга ёрқин мисол бўлади.

Юртбошимиз оқилона сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири-мустақилликнинг дастлабки давриданоқ маънавий кадриятларни тиклаш ва миллий ўзликни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидир. Чунки миллий ўзликни англаш учун “халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш”³ ҳаётий заруратга айланди. Зеро, Ўзбекистоннинг бугунги ва келгуси тараққиёти Мовароуннаҳр, Турон, Туркистон тарихи муқаддас ислом дини билан чамбарчас боғлиқ эканини унутмаслик даркор.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсонга диний эътиқод эркинлиги кафолатланган. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган. Таассуфлар бўлсинки, дин ниқоби остидаги турли-туман норасмий ҳаракатлар ва жинойт гуруҳлар ўтган асрнинг 80-90 йилларида Ўзбекистон ҳудудига кириб келиб, жинойт мақсадларига эришишда диний дунёқараши мукаммал бўлмаган шахсларни, айниқса, ёшларни ўзига жалб қилиб, моддий маблағлар сарфлаб, давлатдаги криминоген вазиятни кескинлаштиришга ҳаракат қилишди, ўта оғир жинойтларга қўл урди ва урмоқда. Бу эса уларнинг ижтимоий хавфли ва қонунга хилоф қилмишларини юридик жиҳатдан тўғри баҳолаш учун жинойт тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янги моддалар киритиш заруратини келтириб чиқарди.

Террорчилик жаҳондаги барча давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳам жиноят деб белгиланган. БМТ томонидан давлатларнинг терроризмга қарши ўзаро ҳамкорликда, баҳамжиҳат, биргаликда қатъий курашини ташкил этишни кўзда тутган қатор Конвенциялар қабул қилинган. Айниқса, террорчи жиноятчилар молиявий таъминланишининг пайини қирқишга бағишланган охириги ҳужжат-«Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги (1999) Халқаро Конвенция муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида «Ўзбекистон - суверен демократик давлат»¹, деб эътироф этилган бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига» асосланиши ҳам Конституцияда (17-модда)² ўз аксини топган.

Мамлакатимизда террорчилик каби таҳдид солаётган ижтимоий муносабатлар бир неча ҳуқуқий актлар билан қўриқланади. 2001-йил 15-декабрда "Терроризмга қарши кураш тоғриси"да Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, мазкур қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу қонуннинг асосий вазифалари шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлашдан иборат⁹⁰(1-модда), деб белгилаб қўйилди. . Бундан ташқари мазкур қонуннинг 2-моддасида асосий тушунча сифатида “терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001. – №. 1 – 2. – Б. 149.

объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон - бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий - сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар”, дея шарҳланди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ЖК га мувофиқ 155-модда билан мазкур қилмиш жиноят, деб баҳоланди. Яъни, 155-модда терроризм халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий - сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирор бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилшга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёки уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини молиялаштиришни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларга ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштироқ этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ ва воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга қаратилган фаолият⁹¹, дея диспозицада кўрсатилиб, 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш санкцияси берилган. Мазкур модда диспозицасининг 2-қисмида вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёки сиёсий ёхуд бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик

⁹¹ Рустамбаев М.Х. ЎзР ЖКга шарҳлар. Тошкент Давлат юридик институти нашриёти. 2008.

қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолият муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш, унинг баданига шикаст етказиш 20 йилдан 10 йилдан 15 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу модданинг 1- ёки 2- қисмида назарда тутилаг ҳаракатлар а) одам ўлишига, б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, 15 йилдан 20 йилгача ёхуд умурбод озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Тарихдан маълумки, Арабистон ярим оролида пайдо бўлган ислом дини, пайғамбар Муҳаммад ҳаётлик чоғларида фирқаланиш каби иллатлардан холи бўлган. Саҳобалар пайғамбар тутган йўлни тутиб, бирор янгиликка дуч келсалар, Қуръон ва ҳадисга мурожаат этардилар. Сўнг қиёсга, яъни, пайғамбар давридаги воқеа-ҳодисалар асосидаги ҳукмларга қиёслаб масалаларни ечиб борардилар⁹². Бироқ хулафои рошидин (тўғри йўлдан борган халифалар) давридаёқ мусулмонлар орасида ихтилофлар пайдо бўлиб, фирқаланиш бошланди. Халифа Усмон ибн Аффоннинг қатл этилиши фирқаланиш, фитнанинг кўпайишига сабаб бўлди. Сўнг Али ва Муовия орасида уруш бўлиб ўтди, унинг натижасида хавориж фирқаси пайдо бўлди⁹³.

Пайғамбар Муҳаммад вафотидан кейинги даврларда халифалик масаласида ихтилоф ва келишмовчиликлар, инсон ақли идрок этолмайдиган масалаларда баҳс қилиш бўйича кучли қарама-қарши фикрлар юзага келди. Булардан:

- Пайғамбарлик ва халифалик масалалари;
- Аллоҳ сифатлари қадим ёки ҳадис (янгилик) тушунчаси;
- Қадарт ва инсоннинг иродаси (хоҳиши) тушунчаси;
- Гуноҳи кабира қилган кишининг охиратдаги ҳолати;
- Қуръон махлуқ, махлуқ эмаслиги масаласи.

⁹² Маниъ Ҳаммад ал-Жуханий. Ал-Мавсуъа ал-Муйассара. II (Бундан кейин: ал-Мавсуъа ал-Муйассара). – Риёз: Дар ан-Надва ал-Алабийя ли-т-Тибаъа ва-н-Нашр ва-т-Тавзиъ. 2003. - Б.14.

⁹³ Ўша асар. – Б.18.

Шу каби бошқа кўплаб масалаларда мусулмонлар доимий тортишув ва мунозараларда бўлганлар. Бундай тортишувлар баъзан қонли можаролар келтириб чиқаргани тарихдан маълум.

Инсон иродаси билан илоҳий қадарнинг алоқасини белгилашда жабария, қадария ва мўътазила фирқалари юзага келган. Жабария фирқасининг пешвоси Жаҳм ибн Сафвон бўлиб, у: “инсон мутлақо иродасиз гўё шамолдаги пат кабидир. Аллоҳ ундан қандай хоҳласа, шундай ҳаракатланади. Инсон ўз ҳаракатларига ҳеч қандай алоқаси бўлмайди”⁹⁴, деган фикрни илгари сурди. Қадария фирқаси эса, аксинча, “инсон ўз амалларини ўзи яратади. Ҳеч қандай илоҳий қадар алоқасиздир”, деди⁹⁵. Ушбу фирқанинг асосчиси Маъбад ибн Жаҳмийдир. Мўъталилийлар фирқаси ҳам “инсон ихтиёри ўз ҳаракатларини белгилайди”, лекин бироз ўзгача фикр юритиб, “инсон ўз ҳаракатларини Аллоҳберган қудрат билан ўзи яратади”⁹⁶, дедилар.

Юқоридаги фикрларга бир қарашда билимли, зиёли кишилар ҳам алданиб қолишлари мумкин. Шунинг учун ҳам тўғри эътиқоддаги уламо, фақиҳларнинг фикрларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юртимиз алломаларидан Имом ал-Мотуридий ақида соҳаси (калом илми) бўйича илғор мактаб яратиб, бутун ислом оламини адашган фирқалар таъсиридан қутқаришда салмоқли ҳисса қўшди⁹⁷.

Масалан, “қазо ва қадар шариат асосларига биноан тасдиқланиши шарт”, “Аллоҳ инсонларнинг иш - ҳаракатларини яратади. Аллоҳ ҳамма нарсани, ҳаракатларини ҳам яратди. Яъни, яхши ҳаракатни ҳам, ёмон ҳаракатни ҳам яратди. Лекин инсоннинг ўша иш-ҳаракатни касб қилишига кўра ҳисоб-китоб қилади. Агар яхши амал қилса, мукофотлайди. Ёмон амал қилса, жазолайди”⁹⁸. Шунингдек, Хоразм воҳасидан етишиб чиққан фақиҳлардан Муҳаммад Кардарийнинг асарида бу борада қуйидагича келтирилган:

⁹⁴ Ал-Мавсуъа ал-Муйассара. – Ж. 2. - Б. 98.

⁹⁵ Ўша асар. – Ж.2. - Б. 106.

⁹⁶ Ўша сар. – Ж. 2. – Б. 106.

⁹⁷ Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т. 2001. – Б. 4 - 6.

⁹⁸ Муҳаммад Абу Заҳро. Ислом мазҳаблари тарихи. – Қоҳира. – Б. 94 - 97, 172 - 173.

Имом Зоҳид ас-Саффордани қуйидаги фатволар келтирилади:

Аллоҳ ғазабининг мавжудлигини инкор этишлари ҳамда киши ўз амалининг яратувчиси, деган даъволари билан қадарийлар⁹⁹ кофир бўладилар.

Муътазила¹⁰⁰ қавми Аллоҳ нарсаларнинг аслини кўрмайди, деган фикри билан кофирдир.

XVIII асрда ваҳҳобийлик таълимотининг яратилишида туртки бўлган таълимот эгаси, XIV асрда хорижийлар таълимотини ривожлантирган Тақий уд-Дин ибн Таймийя Исломда “революцион кураш” таълимотини яратгани учун ҳозирги экстремистик жинойий гуруҳлар унинг таълимотини маъқуллаб, фикрларини илгари суришга уринадилар.

Қандай инсонни мусулмон деб аташ мумкин, деган савол ибн Таймийя замонида ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланган. Чунки тарихий манбалардан маълумки, XIII асрда деярли бутун мусулмон Шарқини мўғуллар босиб олган бўлиб, бу давлат ҳулоқулар давлати деб аталган. XIII асрнинг охирида мўғуллар ислом динининг суннийлар йўналишида эканликларини эълон қилиб, калимаи шаҳодат айтиб, беш вақт намоз ўқиш ва рамазон ойида рўза тутишга одатланганлар. Аммо давлатни бошқаришда шариатдан эмас, ўзларининг ясо қонунларидан фойдаланганлар. Ана шунда мўғулларга қарши қандай курашиш керак, деган муаммо қўндаланг турган.

⁹⁹ Қадарийлар–Тақдир сўзининг инсон ўз хатти-ҳаракати, тақдирининг ҳукмдори деб талқин қилишлик. Бу илк илоҳиёт оқимларидан биридир. Бу йўналиш тақдир ва ирода эркинлиги масаласида ўзига хос таълимотни илгари суради, яъни жабарийлар таълимотига қарши, инсон ўз хатти-ҳаракатининг яратувчиси (ҳолиқи), деб тушунтирадилар. Улар одиллик худонинг асосий сифатларидан бири деган фикрга бориб, гуноҳни у олдиндан белгилаб қўйган бўлиши мумкин эмас, худодан фақат адолатли ишини кутиш мумкин, гуноҳ ишлари эса инсон фаолияти билан боғлиқ, демак инсоният ирода ва фаолият эркинлигига эга, шунинг учун у гуноҳ қилади, деган хулосага келадилар. Қадарийлар сиёсий жиҳатдан умавийлар хонадонидан бўлган халифалар ҳокимиятига қарши турардилар. Уларнинг таълимотини VII аср охирларидан мўътазилийлар изчил тарзда давом эттирдилар. Лекин, мўътзилийларга нисбатан бу атама–қадарийлар ишлатилишини хоҳламасдилар. Қадарийларнинг энг йирик вакиллари: Маъбад ал-Жуханий (699 - 700 ёки 703-704 йилларда ўлдирилган), Файлан ад-Димашқий (742 йил ўлдирилган), Ҳасан ал-Басрий (642 - 728).

¹⁰⁰ Мўътазилийлар – каломда биринчи йирик йўналиш вакиллари ҳисобланади. Ҳасан ал-Басрий (вафоти 728 йил) даврасидан шогирдлари Восил ибн Ато (вафоти 748 йил) ва Амр ибн Убайд (вафоти 761 йил)ларнинг ажралиб, алоҳида бўлиб чиқишларидан бу ном қолган. Уларнинг бошқа номлари: ал-адлийун, ал-адлийя, аҳл ал-адл, аҳл ал-адл ват-тавҳид. Бу номлар мўътазилийларнинг манбаларига биноан 5 асоснинг биринчи 2 тасида шаклланган. Мазкур 5 та асос: 1. Ал-адл; 2. Ат-тавҳид; 3. Ал-ваъд вал-ваид; 4. Ал-манзила байнал-манзилатайн; 5. Ал-амр бил-маърф ван-наҳй анил-мункар.

Мўътазилийларнинг қазо ва қадар масаласидаги фикрлари қадарийларникига яқинлиги учун уларни қадарийлар деб ҳам аташади, лекин уларнинг ўзлари буни инкор этадилар.

XII-XIII асрларда мўътазилийлар фикри Хоразмда ҳам кенг ёйилди.

Ибн Таймийя ўша давргача кўпчилик уламолар фикрини рад этиб, шариатга асосланмагани учун мўғуллар давлатини мусулмон давлати ҳисобламаслик керак, уларнинг ўзи ҳам мусулмон эмас, чунки улар ўзлари ишлаб чиққан «ясо» қонунларига итоат қиладилар деган ғояни илгари сурган. Шунинг учун Оллоҳ нозил қилган Қуръондаги қоидаларга бўйсунмагунларича мўғулларга қарши курашиш зарур деган фатво эълон қилган.

Ибн Таймийя “қандай шахс ҳукмдор бўла олади” деган масала юзасидан ҳам мусулмон ҳуқуқидаги мазҳаблар вакилларининг қарашларидан узоқлашган. Унинг фикрига кўра, “агар ҳукмдорнинг ўзи ҳам у бошқарган давлатда исломдаги барча мажбуриятларни бажармаса, кофир саналади. Кофир эса умматни бошқаришга ҳақли эмас, шунинг учун унга қарши жиход эълон қилиш, шариат асосида бошқарилмаётган ҳокимиятдаги ҳукмдорни ағдариш даркор” деган қатъий фикр тарафдори бўлган⁴.

Асарда бу каби таълимотларга раддия сифатида қуйидаги фатво келтирилади:

Хорижийларнинг¹⁰¹ кофирлигига барча имомларнинг хорижийларни куфрда эканликларини бир овоздан айтганликлари етарлидир. Шунингдек, Усмон ибн Аффон, Али ибн Аби Толиб, Талха, Зуба йр ва Оишалар ҳам хорижийларни кофир, деб ҳукм қилганлар.

Кайсонийлар¹⁰² ўзларининг наслларини Аллоҳдан деганлари учун кофир бўладилар.

¹⁰¹ Хорижийлар—арабча “хаража” феълидан, чиқмоқ мазмунида бўлиб, хорижийлар—ажралиб чиққанлар, исёнчилар маъносида келади. Али ибн Аби Толиб ва Муовия тарафдорлари билан халифаликда ҳукмронлик қилиш учун кураш кетаётган бир даврда Сффин яқинида вужудга келди. Хорижийлар “катта гуноҳ” (кабира) қилган киши кофир бўлади, дейдилар. VIII аср 2-ярмига келиб ўз раҳбари номи билан аталувчи бир неча гуруҳларга: азракий, ибодий, суфурий қабиларга бўлиниб кетдилар. Ҳозирда хорижийларнинг ибодий сектаси Мағриб мамлакатларида (Жазоир, Тунис ва бошқалар), Уммон ва танзанияда учрайди.

¹⁰² Кайсонийлар—7 - асрда шиалар орасидан ажралиб чиққан фирқа тарафдорлари Шиаларнинг 3-имомни Хусайн 680 й.да Карбалс яқинида ҳалок бўлгандан кейин, 4-имомнр эътироф этишда улар орасида ихтилоф ю: берган: уларнинг бир қисми Хусайннинг ўғли Али (Зайн ал-Обидин)ни имом деб таниса бошқа гуруҳи Хусайн ўғилларининг жудг ёпшиги ва раҳнамоликка қобил эмаслигани сабаб қилиб кўрсатиб, Алининг Бану Ҳаниф қабиласидан ўлжа сифатида олинган канизагидан туғилган, жангларида иштирок этиб танилган ўғли Муҳаммад (637-700)ни 4-имом деб эътироф қилган. Барча манбаларда онаси мансуб бўлган қabila номига нисбат берилиб у Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия деб аталади. Унинг тарафдори бўлган шиалар яқин сафдоши Мухтор ибн Абу Убайд раҳбарлигида 685 й.да Куфада қўзғолон кўтариб, улавийларга зарба берган, Хусайнни ўлдирганларнинг кўпини жазолаган. Қўлга туширилган Куфа хазинасидаги пулларни исёнчиларга тақсимлаб берган. Бу исёнда Абу Амр Кайсон фаол иштирок этган (фирқанинг номи шундан). Кейинчалик ички ихтилофлар натижасида исёнчилар енгилиб, Мухтор ҳалок бўлган (687). Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия бевосита қўзғолонда иштирок этмаган. К. Алини пайгамбар қизи Фотимага уйлангани учун эмас, ўзига хос

Равофизийлар¹⁰³ ўликларнинг дунёга қайтиши, руҳларнинг айна кўринишда бошқа руҳларнинг шаклланиши, илоҳий руҳларнинг имомларга кўчиб ўтиши имомларнинг илоҳ эканликлари, ҳақиқий нотиқ имомнинг ҳақиқатан ва унинг чиқишига буюриш ва қайтаришнинг бўлиниши, пайғамбар Жаброилнинг ваҳйни Али ибн Аби Толибга олиб тушиш ўрнига, адашиб пайғамбар Муҳаммадга олиб тушганлиги ҳақидаги ҳукми муртадлар ҳукмидир.

Умар ибн Хаттобнинг халифалигини инкор этган киши кофирдир¹⁰⁴.

Язидийларнинг¹⁰⁵ араб бўлмаган халқлардан пайғамбар кутишлари ва пайғамбар Муҳаммаднинг динини инкор этишлари билан кофир бўладилар.

Нажжорийлар¹⁰⁶ Аллоҳнинг сифатларини инкор этишлари ва ёзилганлиги, кўрилганлиги, ўқилганлиги учун Қрьонни жисм дейишликлари билан кофир бўладилар.

Муҳаммад Кардарий турли оқимларга билдирган раддияси билан ғулувга кетганларнигини куфрда айблаган. Олим асарида, агар киши ўзи

имомлик хислати учун имом деб танийди, шу сабабли имомлик пайғамбар авлодига ўтиши шарт эмас деб ҳисоблаб, Алининг икки ўғли (Ҳасан ва Ҳусайн)дан кейин имомлик 3-ўшига ўтиши керак, деган ғояга асосланган эди. К. фирқаси камайиб, кейинчалик (9-аср ўрталарида) тамоман йўқолиб кетган, шиаларнинг кўпчилиги томонидан Али Асқар 4-имом сифатида танилган.

¹⁰³ Равофизийлар–(бирлиги рофиза) шиаларга, айниқса имомийларга мансуб мансуб лақаб бўлиб, “инкор этувчилар”, “тан олмовчилар” маъноларига эга. Булар пайғамбар Муҳаммаддан кейинги чаҳарёр халифалардан Абу Бакр ва Умар Ҳокимиятини тан олмайдилар, пайғамбар ўзидан кейин Алини ворис қилиб қолдирган, деб даъво қиладилар. Али ибн Аби Толибнинг набираси Зайд ибн Али (699 - 740) даврида равофизийларнинг унинг номи билан боғлиқ зайдия шиа ҳаракати пайдо бўлди. Зайд 739 йили Куфада умавийларга қарши кўзғолон кўтарди, шиалар унинг атрофига йиғилиб, уни имом деб эълон қилдилар. 10 ойдан кейин Зайд кўзғолони бостирилиб, Зайд 6 январ 740 йили жангда ҳалок бўлади. Зайдия оқими пайдо бўлгандан кейин равофизийлар нафақат Абу Бакр ва Умар, балкиумавийлар ва аббосийлар халифалигини инкор этиб, фақат имомийларнигина тан олдилар.

¹⁰⁴ Шиалик ва ундаги оқимлар Умар ибн Хаттобнинг халифалигини инкор этадилар.

¹⁰⁵ Язидийлар –асосчиси Ади бин Мусафир. Язидий деб номланишининг сабабини Шаҳристони Язид ибн Аниса номи билан боғлиқ деса, бошқа олимлар бу ном форсча бўлиб, Ади ибн Мусафир

¹⁰⁶ Нажжор, ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад (? -тахм. 845) - машҳур илоҳиётчи; унинг издошлари ўзларини нажжорийлар ёки ҳусайнийлар деб аташган. Қум шаҳрида туғилган, дурадгорчилик қилган Нажжор мунозара қилишга ўчлиги билан шухрат қозонган, айниқса, Басра муътазилийлари раҳбари ан-Наззом (835 / 836 ёки 845 й.в.э.) билан қизгин мунозара олиб борган ва шулардан бири чоғида вафот этган. Шаҳристониинг фикрига кўра, Рей ва унинг атрофидаги кўпчилик муътазилийлар Нажжор таълимотига амал қилганлар. Ибн ан Надим Нажжорнинг 20 га яқин асари номини келтириб ўтган. Баъзи масалаларда у суннийлар билан, баъзиларида эса, муътазилийлар билан бирга бўлган. Хусусан, барча муътазилийлар каби у “абдий илоҳий сифатлар”ни инкор этган, бунинг учун уни сунний-сифатийлар танқид қилганлар. Шу билан бирга у муътазилийларнинг инсон иродаси эркинлиги ҳақидаги ақидасини рад этган ва сунний-сифатийларнинг Аллоҳ -инсон хатти-ҳаракатларининг ижодкори ва ҳаракат қилиш имконияти ҳаракат билан бир пайтда содир бўлади, деган фикрига қўшилган. Уни жабарий деб ҳам аташган, чунки, у дунёда фақат Аллоҳ хоҳдаган нарсагана бўлади, деб ҳисоблаган. Ақоиднинг хусусий масалалари бўйича нажжорийлар ичида ўзаро ихтилоф пайдо бўлгач, улар айрим гуруҳларга бўлиниб кетишган, уларнинг орасида бургусийлар, заъфаронийлар ва мустадрикийлар машҳур.

истамаган ҳолда куфр сўзини деса, у кофир бўлмайди. Агар, “Сен худосан ва мен бандаман”, демокчи бўлиб, тилида аксини айтиб қўйса, у кофир бўлмайди, унинг имони соғломдир, дейди¹⁰⁷.

Шунингдек, олим “агар ораларида (юқоридаги овимлар каби) бидъатчи (ислом динининг моҳиятига зид бўлган нарсаларни кашф қилувчи) кишини билсалар, унга тўғри йўлга чорласинлар. Агар бидъатчи даъват қилувчи бўлса, уни инкор этсинлар. Агар бунга қодир бўлмасалар, уни ҳокимнинг амрига топширсинлар, токи уни мамлакатдан сургун қилсинлар”¹⁰⁸ дейди.

Кимки ўз мамлакатида тўғри бўлмаган йўлдагиларга билмасдан қўшилиб қолса, дарҳол дуо қилиб, истиғфор айтиб, тўғри йўлга қайтсин¹⁰⁹.

Омонат борасида:

“Ота - онасининг рухсатисиз киши ғазотга чиқиши мумкин эмас. Ҳатто волидаларидан бири изн берганда ҳам мумкин эмас. Агар волидаларининг волидалари ҳаёт бўлсалар, отасининг отаси ва онасининг онаси изн бергандагина чиқиши мумкин. Киши ҳажга ва тижоратга агар хавfli бўлмаса, волидаларининг унга эҳтиёжлари бўлмаса ва фарзи бўлмаса изнсиз сафар қилиши мамкин. Агар йўлда хавф мавжуд бўлса, у ҳолатда ота - онадан изн олиш шарт бўлади. Агар кишининг бирор кимдан қарзи бўлса, қарз берганнинг изни билан кетиши мумкин”¹¹⁰.

Мазкур фатво кўп маънони ўзида акс эттирган бўлиб, улардан асосийси, омонатга ҳенат қилмасликдир. Яъни. Биничидан, берилган жонни омонат билиб, уни эҳтиётлаш, ота-она олдидаги бурч омонати, қарз берган киши олдидаги моддий омонатни ҳис қилиб, эгаси топшириш

Бағрикенглик борасида:

“ал-Фатово ал-Баззозия” асарида, ҳатто мусулмон бўлмаган вилоятда ҳам мусулмонлар жамъ бўлиб, биргаликда байрамларни нишонлаб яшашлари жоиз эканлиги ҳақида келтирилган¹¹¹.

¹⁰⁷ Ал-Фатаво ал-Баззозия. – Ж. 2. - Б. 442.

¹⁰⁸ Ўша асар. – Ж. 2. - Б. 440.

¹⁰⁹ Ўша асар. – Ж. 2. - Б. 439.

¹¹⁰ Ўша асар. – Ж. 2. - Б. 431.

¹¹¹ Ўша асар. – Ж. 2. - Б. 432.

Мазкур фатво, биринчидан, ислом динининг бағрикенглик жиҳатини намоён этса, иккинчидан, аҳолиси турли миллат, элат ва дин вакилларида бўлган темурийлар салтанатидаги турмуш тарзи бағрикенгликка асосланганлигини кўрсатади.

Бу борада тузукларда шундай дейилдаи: “турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва хизматимга кирган кишиларнинг улуғларига иззат-хурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз холига яраша сийладим”¹¹².

Зеро, жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий - иқтисодий, сиёсий - ҳуқуқий, маънавий - маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек кадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва хурмат руҳи қарор топишига замин яратади.

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчидан, Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари нафақат ўз давридаги, балки ҳозирги кундаги турли масалаларга жавоб топишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Зеро, шу жиҳатдан ҳам ушбу асарни тўлалигича таржима қилиб, уни илмий жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш бизнинг олдимиздаги муҳим масаллардан бири ҳисобланади;

Иккинчидан, асар ёзилган даврда шу минтақада исломдаги турли фикҳий мазҳабларнинг ҳукм ва фатволари амалда бўлган. Улар орасида ҳанафий мазҳабига хос “истиҳсон”дан фикҳий манба сифатида фойдаланилгани шу мазҳабнинг алоҳида аҳамиятга эга эканини кўрастади;

Учинчидан, олим яшаган даврда ҳам турли диний фирқалар мавжуд бўлиб, уларнинг жамиятга тасири сезиларли даражада бўлган;

Тўртинчидан, асарда ислом ҳуқуқшунослигининг “аҳқомул-муомалот” ва “аҳқомул-ибодот” масалаларига оид ислом дини тарихидаги атоқли

¹¹² Темур тузуклари. - Б. 71.

шахсларнинг келтирган фикрлари, фатволари юритимиз маънавиятига оид маълумотларни бойитишга хизмат қилади;

Бешинчидан, диний экстремизм, фундаментализм, сепаратизмнинг моҳиятини чуқур англаш учун ислом дини тарихига оид тарихий ва ҳуқуқий манбалар, жумладан, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, фирқаланиш, одамлар орасида ихтилоф чиқариш ислом таълимотига мутлақо зид. Диний экстремистик, фундаменталистик ва сепаратистик фаолиятнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноят деб кўрсатилгани жамиятни бундай жиноятчи унсурларга қарши бетўхтов кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатади;

Олтинчидан, ислом дини ниқоби остидаги экстремистик кучлар ўтмишда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ўта мутаассиб, тор қарашлари ҳозирга қадар янгидан пайдо бўлган экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик гуруҳлар томонидан замон ва маконга мосланган ҳолда ўзгартирилиб, ислом дини таълимотига мутлақо ёт, қарама-қарши ва зид қарашларни баён қилгани учун ҳам рад этилмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллигимиз туфайли юртимиздан етишиб чиққан буюк фозилу - уламолар, шоирлар ва саркардалар ҳаёти, улар қолдирган бой илмий, маънавий, диний меросни ўрганишга алоҳида эътибор берилиб, бу бебаҳо мерос ҳар томонлама чуқур ўрганила бошланди. Шунингдек, юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Буюк алломаларимиз, жумладан, юксак илмий салоҳиятга эга бўлган ислом ҳуқуқшунослар – фақиҳларимиз қолдирган барҳаёт асарлар минтақа маданиятининг ажралмас қисми сифатида жаҳон цивилизациясининг бир бўлагини ташкил этиб келган;

2. Ижтимоий - маънавий муҳтни соғломлаштиришда миллий ва диний кадриятларнинг аҳамияти каттадир;

3. Ўтмиш маданий меросини ўрганиш жамият таракқиёти учун зарур бўлган долзарб масалалардан биридир;

4. Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари юртимиз тарихининг темурийлар даврига оид давлат бошқаруви, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий вазият, маданий ҳаёт ҳақидаги қимматли маълумотларни берса, асарнинг олам узра тарқалиши, асарнинг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади;

5. Юртимиздан етишиб чиққан фақиҳларимиз ёзган ал-Мабсут китоблари, Қозихоннинг “Фатовои Қозихон”, Сарахсийнинг усул бўйича ёзган китоблари, Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарлари ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида барҳаёт асарлар бўлиб қолаверади;

6. Темурийлар даври маданиятининг ютуқлари халқимизнинг кейинги маданий ривожланишига катта замин яратди. Темурийлар тарихи ва маданиятини келажак ёш авлодга ўргатиш тарих ва маданият соҳасидаги долзарб масалалардан биридир;

7. Асарлар давомида Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекисон ҳудуди ҳанафийлик мазҳабининг тарқалиш ва ривожланиш ҳудудларига айланиб, Мовароуннаҳр

фақихлари ушбу мазҳабнинг вакиллари ва ҳомийлари сифатида ўз илмий ва амалий ижодлари билан унинг ривожини йўлида буюк хизматлар қилиб келганлар. Ана ушлар қаторида Муҳаммад кардарий ҳам муносиб ўрин эгаллайди;

8. Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари нафақат ўз давридаги, балки ҳозирги кундаги турли масалаларга жавоб топишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Зеро, шу жиҳатдан ҳам ушбу асарни тўлалигича таржима қилиб, уни илмий жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш бизнинг олдимиздаги муҳим масаллардан бири ҳисобланади;

9. Асар ёзилган даврда шу минтақада исломдаги турли фикҳий мазҳабларнинг ҳукм ва фатволари амалда бўлган. Улар орасида ханафий мазҳабига хос “истиҳсон”дан фикҳий манба сифатида фойдаланилгани шу мазҳабнинг алоҳида аҳамиятга эга эканини кўради;

10. Олим яшаган даврда ҳам турли диний фирқалар мавжуд бўлиб, уларнинг жамиятга тасири сезиларли даражада бўлган;

11. Асарда ислом ҳуқуқшунослигининг “аҳкомул-муомалот” ва “аҳкомул-ибодот” масалаларига оид ислом дини тарихидаги атоқли шахсларнинг келтирган фикрлари, фатволари юритимиз маънавиятига оид маълумотларни бойитишга хизмат қилади;

12. Диний экстремизм, фундаментализм, сепаратизмнинг моҳиятини чуқур англаш учун ислом дини тарихига оид тарихий ва ҳуқуқий манбалар, жумладан, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, фирқаланиш, одамлар орасида ихтилоф чиқариш ислом таълимотига мутлақо зид. Диний экстремистик, фундаменталистик ва сепаратистик фаолиятнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят деб кўрсатилгани жамиятни бундай жиноятчи унсурларга қарши бетўхтов кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатади;

13. Ислом дини ниқоби остидаги экстремистик кучлар ўтмишда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ўта мутаассиб, тор қарашлари ҳозирга қадар янгидан пайдо бўлган экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик

гуруҳлар томонидан замон ва маконга мосланган ҳолда ўзгартирилиб, ислом дини таълимотига мутлақо ёт, қарама-қарши ва зид қарашларни баён қилгани учун ҳам рад этилмоқда;

14. Муҳаммад Кардарий ўзининг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида фатволарни келтиришда ҳам эҳтиёткорлик йўлини тутган. Озгина бўлса ҳам хато қилиб қўйишдан ўзини сақлаган. Бу эҳтиёткорлик унга Абу Ҳанифадан, Абу Ҳанифага устози Абдуллоҳ ибн Масъуддан мерос қолган;

15. Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асари ўлкамиз маънавияти тарихига оид қимматбаҳо илмий мерос бўлиб, у юртимиздан чиққан ва ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган ўнлаб олимлар ва улар қолдирган асарлар ҳақида кенг маълумотларни ўзида мужассам этган. Шунингдек, асарда ҳанафийликка хос бағрикенглик тамойиллари акс этган;

16. Хоразм шаҳри Самарқанд, Бухоро каби маҳаллий илм марказлари билан бир қаторда Ҳижоз ва Хуросоннинг бир қатор шаҳарларида яшаган олимлар билан илмий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган илм марказларидан бўлган. Транспорт ва коммуникация воситалари ҳали юқори даражада ривожланмаган ўша даврда ҳам ўлкамизнинг Болгария, Қрим, Макка каби анча олисдаги маданият марказлари билан бевосита илмий алоқалари мустаҳкам бўлган;

17. Асарни ўрганиш ҳозирги кунда ёшларни имон-эътиқодли, ҳалол меҳнат қилишга интилувчан, гуноҳ ва ҳаромдан ўзларини тиядиган, кенг дунёқарашли, диний бағрикенглик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Айни пайтда пайдо бўлган, соф ислом таълимотини радикал тарзда талқин этишга ҳаракат қилаётган турли гуруҳларнинг ноўрин иддаоларига қарши раддия беришда асарда ёритиб берилган ҳанафийлик мазҳабининг тамойил ва услубларидан унумли фойдаланиш самарали натижа беради;

18. “ал-Фатово ал-Баззозия” асари ўзида сара фатволарни жамлаганлиги ва асарда бошқа мазҳабдаги фавтоларни ҳам қиёсин келтирилиб ўтилганлиги билан бошқа фатво асарларидан ажлариб туради;

19. “ал-Фатово ал-Баззозия” асарида олим яшаган даврда мавжуд бўлган исломни ёйиш байроғи остида ўз ғаразли мақсадларига эришишни кўзлаган айрим гуруҳлар, муқаддас диний манбаларни жангарилик кайфиятида талқин этишга ҳаракат қилганларнинг фикрларига қарши ўзининг чуқур мантиқийлик, илмийлик, бағрикенглик, ҳар бир масалани диний ва дунёвий жиҳатдан кенг ўрганиш асосидаги асосли раддияларини бергани хусусидаги бой маълумотлар мавжуд;

20. Асарда келтирилган мавзуларни 3 та соҳага ажратиш мумкин:

А) Ижтимоий соҳа – 32 та боб – асарнинг 62 % ни ташкил этади ;

Б) Иқтисодий соҳа – 11 та боб – 22 %;

В) Ҳуқуқий соҳа – 8 та боб – 16 %.

21. Муҳаммад Кардарийнинг “ал-Фатово ал-Баззозия” асарининг тадқиқ қилиниши ислом олами, хусусан, Мовароуннаҳрда ислом илмлари тараққиёти, алломалар маънавий мероси, бағрикенглик тамойилларини ёйиш, диний экстремизм ва мутаассибликка қарши кураш масалаларини ҳаётга татбиқ этишдаги илмий ёндашувда катта аҳамиятга эга. Буни ҳозирги кунда халқимиз учун ёт бўлган баъзи бир диний таълимотларни сингдиришга интилаётган унсурларга муносиб зарба беришда ва халқ ичида бўлиниш ҳамда гуруҳбозликларнинг олдини олишда кўриш мумкин;

22. Асарни тадқиқ қилиш, умуман ислом оламида, хусусан Марказий Осиёда ҳанафийлик тарихини ўрганиш халқимиз, айниқса ёшлар орасида бағрикенглик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади ҳамда аждодларимизнинг ҳанафий мазҳаби ривожига қўшган ҳиссалари нақадар улуғлиги ва уларсиз ҳанафий мазҳабини том маънода ўрганиш мумкин эмаслигини яна бир бор исботлашга асос бўлиб хизмат қилади;

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, осойишта тараққиёт йўлини таъминлаш мақсадида илмий - тадқиқот натижаси сифатида қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

1. Бугунги кундаги илмий ва амалий аҳамиятларини инобатга олиб ушбу мавзунини номзодлик диссертациясида ҳам давом эттириш.

2. Асар материалларидан XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳр, хусусан, Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тартибга солишда минтақа хусусиятларини ҳисобга олиб шаклланган ҳанафийликнинг ўрнини эътироф этган ҳолда бу мазҳабга хос ноёб меъёрлардан ҳозирги даврдаги диний-ижтимоий ва маънавий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш.

3. Ёшларни ватанпарварлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, юксак инсоний фазилатларга муҳаббат руҳида тарбиялашда асарда келтирилган масалалардан мавзуга оид тайёрланадиган китоб, дарслик, кўлланмаларда фойдаланиш.

4. Ислом ҳуқуқшунослиги адабиётларида юртимиздан чиққан бошқа олимлар қатори қардарлик олимлар, хусусан, Муҳаммад Қардарийнинг ҳаёти ва сермахсул ижоди ҳақида батафсил маълумот бериш.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Расмий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. 200 . – б.
3. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т. 19. Т., Адолат, 1998, – Б. 224-234.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. – 176 б.
5. Каримов И.А. Мақсадимиз – тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик // Халқ сўзи. 2001. 27 сентябрь.
6. Каримов И.А. Терроризм хавфи тўғрисида. Тузувчи муаллифлар: Қобилов Ш.Р., Таджиханов.Б.У. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2001.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон. 1998. – Б. 415-683.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон. – 1999. – Б. 132-154.
9. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон. 1999. – Б. 349-355.
10. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар // Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон. – 1999. – Б. 84-102.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда: Президент Ислом Каримовнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 14 апрель. – Т.: Ўзбекистон. 1999. – 48 б.

12. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон. 2000. – 526 б.

13. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Ж. 9. – Т.: Ўзбекистон. 2001. – 432 б.

14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Ж. 10. – Т.: Ўзбекистон. 2002. – 429 б.

15. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т. 11. – Т.: Ўзбекистон. 2003. – 318 б.

16. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т. 12. – Т.: Ўзбекистон. 2004. – 400 б.

17. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон. 2004. – 30 б.

18. Каримов И.А. Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди // Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 524.

МАНБАЛАР

Қўлёзмалар

19. “ал-Фатово ал-Баззозия” асари қўлёзма нусхаси. – Кувайт Қўлёзмалар Кутубхонаси. – №. 2885. – Ҳижрий X аср. – 246 в.

20. “ал-Фатово ал-Баззозия” асари қўлёзма нусхаси. – Искандария кутубхонаси. Қўлёзмалар бўлими. Б428/1608.

Тошбосмалар

21. Ал-Фатово ал-Оламгирия. – Ж. 4. ТИУ Манбалар хазинаси.
– №. 112. – 233 в.
22. Ал-Фатово ал-Оламгирия. – Ж. 5. ТИУ Манбалар хазинаси.
– №. 119. – 228 в.
23. Ал-Фатово ал-Оламгирия. – Ж. 6. ТИУ Манбалар хазинаси.
– №. 157. – 243 в.

Нашрлар

24. Муҳаммад Кардарий. Ал-Фатово ал-Баззозия. – Ж. II. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. 2009. – 1216 б.
25. Хайруддин аз-Зириклий. ал-Аълум. – Ж. 14. – Байрут: Дор ал-илм лил-малайин. 1998. – 342 б.
26. Абдулҳай ал-Лакнавий. Фавоид ал-Баҳийя. – Байрут: Ширкат ал-аркам ибн Али ал-Арғам. 1998. – 648 б.

ТАДҚИҚОТЛАР

Ўзбек тилида

27. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 517 б.
28. Абдуғани Абдулло. Амир Темур ва ислом // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – Б. 63.
29. Абдулваҳҳоб Халлоф. Усулул фикҳ. – Т.: Адолат. 1997. – Ж. I - II. – 722 б.
30. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳ лар муаллифи: Ўринбоев А. – Ж. 1 - 2. – Т.: Ўзбекистон. 2008. – 547 б.
31. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн / А.Ўринбоев таржимаси. – Т.: Фан. 1969. – 464 б.

32. Ақидада адашмайлик / нашрга тайёрловчи: Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши, Мухаррир: Баҳромов А. – Т.: Мовароуннахр. 2005. – 47 б.

33. Алимжанова Ш. Ислом ҳуқуқида биринчи кодекс – “Мажалла”нинг яратилиш ва унинг аҳамияти // ТИУ илмий-таҳлилий ахборот 1 / 2003. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2003. – Б. 28 – 30.

34. Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – Б. 39 – 40.

35. Бағрикенглик – Барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул мухаррир: Очилдиев А., Тақризчилар: Юсупов О., Тўйчиев Б. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт - матбаа бирлашмаси. 2007. – 215 б.

36. Бобоҳўжаев М. ва бошқалар. Ўзбекистон халқлари тарихи. – Т.: Фан. 1992. – 520 б.

37. Бўриев О. Темурийлар даврида ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – 144 б.

38. Ёқубов Ж., Ҳайитбоев Э. Ҳуқуқшунослик. – Т.: Янги аср авлоди. 2006. – 233 б.

39. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт - матбаа бирлашмаси. 2002. – 256 б.

40. Жўраев Ҳ.А. Muhammad Kardari and the source analysis of his book “al-Fataawah al-Bazzaaziyyah” // Тошкент давлат шарқшунослик институти Иқтидорли талабалар илмий тўплами. – Т.: ТошДШИ. 2011. – Б.

41. Жўраев Ҳ.А. Темурийлар салтанатида ижтимоий-сиёсий ҳаёт // Халқ таълими илмий-методик журнал 2 / 2007. – Т.: Т. Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИТИ нашриёти. 2007. – Б. 108 - 110.

42. Жўраев Ҳ.А. Хайруддин аз-Зириклий кардарлик олимлар ҳақида // Тошкенти ислом университети талабалар илмий жамияти / Масъул мухаррир:

Исломов З. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт - матбаа бирлашмаси. 2009. – Б. 34 - 35.

43. Ислом энциклопедияси / Ҳусниддинов З. ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2004. – 313 б.

44. Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати // Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи: Эрматов Б., Масъул муҳаррир: Султон Х., Сўз боши: Луи Базен / – Т.: Маънавият. 1999. – 224 б.

45. Марказий осиёлик машхур мутафаккирлар, донишмандлар ва адиблар / Масъул муҳаррир: Хайруллаев М. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1997. – 166 б.

46. Миллий энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2003. – 728 б.

47. Мунавваров З. Ҳанафий мазҳабига муносабат маданиятини шакллантиришнинг айрим масалалари // ТИУ илмий-таҳлилий ахборот 4 / 2003. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2003. – Б. 33 – 35.

48. Низомиидин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан таржима: Ҳакимжонов Ю., Изоҳлар ва луғатлар: Карамато Ҳ., Тузувчи: Бўриев О., Муҳаррир: Фозилова М. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – 526 б.

49. Нодир Набижон ўғли. Усулул - фикҳ ҳақида сабоқлар. – Ж. I. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт - матбаа бирлашмаси, 2008. – 347 б.

50. Носиров О. Ан – Наъим / арабча-ўзбекча луғат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2003. – 735 б.

51. Очилдиев А. ва бошқалар. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий - маърифий асослари. – Т.: ТИУ нашриёти, 2008. – 232 б.

52. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари –Т.: Ўзбекистон. 2003. – 195 б.

53. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва террорчилик. Унинг илдизи каерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак? – Т.: Янги аср авлоди. 2000. – 265 б.
54. Ризоуддин ибн Фахруддин. Хулофои рошидин. – Т.: Мовароуннахр. 1992. – 178 б.
55. Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. 2001. – 315 б.
56. Рустамбаев М.Х. ЎзР ЖКга шарҳлар. –Т.: Тошкент Давлат юридик институти нашриёти. 2008. – 210 б.
57. Рустамов А. Амир Темур Муваффақиятларининг маънавий омиллари // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – Б. 18.
58. Содиқов Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати (тарихий бадиалар). – Т.: ART FLEX. 2010. – 436 б.
59. Темур тузуклари / Форсчадан Соғуний А.ва Караматов Ҳ. таржимаси. Аҳмедов Б. таҳрири остида / Сўз боши ва изоҳлар Б. Аҳмедовники / – Т.: Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва снъан нашриёти. 1996. – 344 б.
60. Темурнома / Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва луғат муаллифи Равшанов П.; Мухаррир Чори Аваз. – Т.: Чўлпон. 1990. – 349 б.
61. Усмонов Қ., Содиқов М., Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Иқтисод - молия. 2006. – 519 б.
62. Ўразалиев М. Ислом ҳуқуқ тартиботи ва дипломатияси тўғрисида айрим мулоҳазалар // ТИУ илмий-таҳлилий ахборот 7 / 2005. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2005. – Б. 63 – 67.
63. Фалсафа: Маърузалар матни / Мухаррирлар: Аҳмад Хўжа, Муртазо Қаршибой. – Т.: ЎАЖБНТ. 2000. – 268 б.
64. Хайруллаев М.М. ва бошқалар. Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий. 1999. – 512 б.

65. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти: Қисқача маълумотнома / Масъул муҳаррир Иброҳимов Н. – Т.: Шарқ. 2005. – 384 б.

66. Ҳусниддинов З. Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши // Халқ сўзи. 1999. 22 сентябрь.

67. Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннахр. 2000. – 107 б.

68. Юридик энциклопедия. Умумий таҳрир: Тожихонов У. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2001. – 523 б.

Электрон манбалар:

69. http://www.library.yale.edu/neareast/exhibitions/Islamic_book2.html;

70. <http://scholarspen.blogspot.com/2005/11/books-on-excellence-of-imam-abu.html>;

71. <http://www.deu.edu.tr/UploadedFiles/Birimler/9761/recepigdem.pdf>;

72. http://ricasdb.ioc.u-tokyo.ac.jp/daiber/daiber_contents_ms140.htm;

73. <http://www.idc.nl/faid/441faidb.html>;

74. http://qa.sunnipath.com/issue_view.asp?HD=1&ID=786&CATE=3;

75. www.idc.nl/ead/438.xml;

76. qa.sunnipath.com/issue_view.asp?HD=1&ID=786&CATE=3;

77. scholarspen.blogspot.com/2005/11/books-on-excellence-of-imam-abu.html;

78. www.idc.nl/ead/dsc.php?faid=438faid.xml&c01=all;

79. www.books.google.com-Nicolas_Aghnides_Islamic_theories_of_finance_with_an_introduction_to_Islamic_law_P_185;

80. www.islamopediaonline.org/fatwa/can-meat-acquired-sacrifice-be-distributed-non-muslims

81. islamicenterprise.net/faqs.html

82. www.muslimphilosophy.com/html/chp34.doc

83. <http://www.ummet.kz/index.php?id=35>

84. <http://www.abai.kz/node/1159>
85. <http://www.tatarstan.ru/books/>
86. <http://www.minhajbooks.com/english/control/btext/cid/8/bid/376/btid/1983/read/txt/Detailed%20Contents:%20Suicide%20Bombing%20and%20Terrorism.html>
87. http://sih.sagepub.com/cgi/pdf_extract/12/2/223

Араб тилида:

88. Баранов Х.К. Арабско-Русско вловарь. –Москва: Русский язык. 1976. – 944 б.
89. Асъад ас-Сахмароний. Таржуман ал-Адйан. II. – Байрут: Дор ан-нафаис. 2009. – 431 б.
90. Маниъ Ҳаммад ал-Жуханий. Ал-Мавсуъа ал-Муйассара. II. – Риёз: Дор ан-надва ал-аламийя ли-т-тибаъа ва-н-нашр ва-т-тавзиъ. 2003. – 1224 б.
91. Фихрис ал-Махтутот ли мактаба Яманийя. – Санаъ. 1990. – 432 б.
92. Иляс. Арабий–ал-инжилизий. – Қоҳира: Дор ил-илм ал-арабия. 1976. – 524 б.
93. Ал-Мунжид фи-л-луға ва-л-иъллом. – Байрут: Дор ал-машрик. 2008. – 721 б.

Рус тилида:

94. Муминов А.К. Роль и место ханафитских буламаъ в жизни городов центрального мавараннахра. (II - VIII / VIII - XIII вв). – Т.: 2003 г. – 245 с.
95. Кошжанов М. К. Русско-узбекский словарь. – Ташкент: Главная редакция Узбекской советской энциклопедии. 1984. – 862 с.
96. Владимир Даль. Тольковый словарь русского языка. 1 - 5 т. – Москва: Русский язык. 1982. – 1434 с.
97. Бартольд В. В. Сочинения. – Москва: Наука. 1963. – 142 с.

98. Юзеева А.Н. Очерки Марджани о восточных народах. – Казань: Татарское книжное издательство. 2003. – 175 с.

99. Юзеева А.Н. Вафият ал-аслаф ва тахият ал-ахлаф / Подробное о предшественниках и приветствие потомкам. – Казань: Иман. 1999. – 184 с.

100.Большеков О. Г. История халифата. Т. 1 - 3. – Москва: Восточная литература. 2002. – 994 с.

101.Васильев Л. С. История религии. – Москва: Книжный дом Университет. 2002. – 432 с.

Инглиз тилида:


102.Will Durant. Our Eastern Inheritance. – New York. 1967. – 346 p.

103.Longman Dictionary of Contemporary English. – London: Longman Group Limited. 2011. – 1303 p.



104.English - Uzbek Dictionary / Abdusalomova D., Mirsaidov D. Toshkent: Yangi asr avlodi. 2006. – 503 p.

Форс тилида:

105.Рубинчик Ю.А. Фарҳанге Фосий бе Русий. – Ж. 2. – Москва: Русский язык. 1985. – 1304 с.



Миср Араб Республикаси, Искандария кутубхонаси, Қўлёзмалар бўлими



Италия, Рим кутубхонаси, Қўлёзмалар бўлими, “ал-Фатово ал-Баззозия” асари қўлёзма нусхасининг электрон шакли